


Зайнiddин
Мамадалиев



О'ЗИСИЗ
ЭСМОН
Киссалар

Ташкент
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК: 821.512.133-31

КБК 84(5Ў)7-44

М 23

21/11-548

Мамадалиев, Зайниддин.

М23 Ойсиз осмон [Матн]: қиссалар/З. Мамадалиев. –
Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2016. – 88 б.

ISBN 978-9943-28-725-9

*Бугунги глобаллашув жараёнида ижобий ўзгаришилар билан
бир қаторда, айрим трансмиллий жиноятлар сони ҳам кўпайиб
боряпти. Улардан бури одам савдоси жиноятидир. Одам савдоси
жинояти дунёда глобал муаммога айланаб улгурган.*

*Хозирги кунда ушбу жиноят туфайли қанчадан қанча иш-
сонлар унинг домига илингти. Мамлакатимизда ҳам бу жиноят-
га қарши қанчалик кураш олиб борилмасин, бегуноҳ одамларимиз
унинг қурбонига айланишяпти. Муаллифнинг ушбу тўпламида
одам савдоси қурбонига айланган икки оиласиниң аччиқ тақдиди
ҳақида ҳикоя қилинади.*

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 821.512.133-31

КБК 84(5Ў)7-44

СЕГАРГИ САЛАМ

АДДИС АББАБАС

21/11-548

20

ISBN 978-9943-28-725-9

© Зайниддин Мамадалиев, 2016

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2016

ОГОҲЛИК ҚЎНФИРОГИ

БУГУНГИ глобаллашув жараёнида ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, айрим трансмиллий жиноятлар сони ҳам кўнайиб бормоқда. Улардан бири одам савдоси жиноятидир. БМТ экспертларининг баҳолашиб, халкаро миқёсда одам савдосидан тулидиган йиллик даромад 7 миллиард АҚШ долларидан ортмоқда. Замонавий қуллик дунёда жиноят фАОлият йўли билан олинаётган даромадлар бўйича гиёҳандлик воситалари ва қурол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Бу жиноятнинг олдини олиши ва унга қарши курашини мақсадида Ўзбекистонда 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенцияни кабул килинди. Эътиборлиси, юртимиизда қонун ижроси татъминланмоқда.

Одам савдоси жинояти дунёда глобал муаммога айланиб улутурган жиноят тури эканлигини унутмаслигимиз керак. Ачинарлиси, дунё бўйлаб аҳолининг салкам 3 миллиони ани шу жиркансиз жиноят қурбонига айланмоқда. Уларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қиласанти. Жиноятнинг бу турини очишда, айбдорларга жазо муқаррарлигини татъминланшида хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан муайян ишлар амалга ошириляпти. Фуқароларнинг одам савдоси жинояти қурбонига айланни қолмасликлари

учун огохлик тарикасида киночиларимиз бадиий фильмлар, драматургларимиз драмалар, ёзувчиларимиз асарлар ёзиншитти. Телевидение, радио ҳар куни одамларни огохликка чақирияпти. Бирок айрим одамларнинг бу оғатдан хулоса чиқариши кийин кечаяпти. Аммо охири аччиқ қисмат билан тугаётган ҳолатлар кўплаб учрамоқда.

Ижодкор Зайниддин Мамадалиевнинг «Ойсиз осмон» номли китобида одам савдоси қурбонига айланган оиласларининг аччиқ тақдири ҳакида ҳикоя қилинади. Бундай тўпламлар жамиятда «огохлик қўнғироги» сифатида жаранглайди. Энг асосийси, айрим одамларнинг кўзини очади. Ҳаётда ҳушёр яшашга, «жонли товар»га айланиб қолмасликка ундейди.

**Миродил БАРАТОВ,
юридик фанлар доктори, профессор**

БАХОР ҚОР ҚҮЙНИДА УХЛАМАЙДИ



**ЁРИЛГИН тош, ёрилгин,
Мен онамни кўрайин,
Дийдорига тўяйин.**

6 ёшлик Шерзодбек қишлоқ четидаги Кўксув атрофидаги катта Қоратош ёнида онаси айтиб берган эртакдаги ана шу сўзларни айтиб ўтиради.

...Тозагулга ота уйининг эшиги ёшилганига беш йилдан ошган. Уни оиласидагилар ўз уйига киритишмайди. Сабаби синфдоши Эркинга турмушга чиққани. Эркиндан Тозагулга совчи келганида, Тозагулнинг отаси Мусо сартарони: «От ўғрисининг боласига берадиган қизим йўқ», – деганди. Эркиннинг отасини ҳамма қишлоқда «Маман ўғри» дерди-да. Тақдир экан, Тозагулни Эркинга беришиди. Кариндош-уруглар, қўни-қўшнилар тўй-маъракаларда бу оиласидагиларга кун бермай қўйишиди: «Ўғри билан куда бўлдинглар», деб.

...Тозагулнинг акаси Мурод синглисини уйига киритмай қўйди: «Сен туфайли қишлоқда бош қўтариб юролмай қолдик», – деб. Тозагулнинг ҳимоячиси, меҳрибони – онаси Розия холанинг ўлганига ҳам уч йил бўлди. Мусо сартарони ҳам ўтган йили кузакда вафот этди. Ҳайҳотдай ҳовлида Мурод хотини билан яшайди. Турмуш қурганига ўн йилча бўлса-да, тирнокка зор. Ичиб олса дунёни бошига қўтаради. Хотини шўрлик калтакнинг остида қолади.

Мурод укаси Нусратни ҳам уйдан кувган. У ҳам ҳамқишлоқлари билан ишлаш учун Тошкентта кетган. Ҳамқишлоқларининг айтишича, Тошкентдаги «Чорсу» бозорида арава тортаркан. У Тозагулга меҳрибон эди. Тозагул ҳам уни яхши кўрарди.

Тозагулнинг эри Эркиннинг Россияга ишга кетганига уч йил бўлди. Дараксиз. На тириги бор, на ўлиги. У Россияга ишга кетаётганда «Тозагул, Россиядан кўп нул олиб келаман. Уй қурамиз. «Нексия» оламиз. Шерзодбекка катта гўй қиласмиш. Ҳамма бизга ҳавас қиласди», деганди. Орзу орнулигича колди. Қиншоқдагиларининг кўпчилиги эндиликда бу онлана ачинниш билан қарайдиган бўлди. Айниқса, Тозагулнинг тақдирига.

Тозагулга ота уйи ёнилгани камдек, Эркиннинг уйида хим одамдек янамади. Қайногаси Ҳикмат укаси Эркин Россияга кетгач, келининга зуғум ўтказа бошлиди: «Эрингга ийт, «қўки»дан жўнатсин», – деб. Ўзи эса ичкилиқ дардиди кинилок чойхонасидан бери келмасди. Эркин 5–6 ой 500 – 600 ЛКШ долларидан жўнатиб турди. Сўнг у ҳам тўхтади. У билан бирга Россияга кетган ҳамқишлоқларининг айтишича, у срда уйланиб бир аёл билан яшаётган эмиш.

Ҳикмат ичиб келса Тозагулга «эрингнинг олдига, Россияга жўна. Бу ҳовлида сенга жой йўқ», дерди. У хайҳотдек ҳовлида ўзи яшарди. Унинг хотини икки йил оғдин жсанжаллашиб кетиб қолганди. Тижорат қиласман, деб икки боласини онасига ташлаб, аллақаёкларга кетган. Уч йилдирики, у ҳам бедарак.

Кечна кечаси тунда Тозагул боласи билан ётган уйга Ҳикмат маст ҳолда кириб:

— Тозагул шу ҳовлида яшайман десанг ҳар тунда мен билан бўласан. Шартимга қўнмасанг, катта кўча, — деди.

— Мен ўлсан ўламанки, сенинг жирканч шартингга рози эмасман, — деди-да ҳовлига қочиб чиқиб, ўрик тагидаги болтани қўлига олди. — Яқинлаписанг, ўлдим деявер, — деди.

Ўша куни у ярим тунда ўғли Шерзодбекни кўтариб ота уйига борди. Зора, акам Мурод раҳим қилиб уйига киритса, деб. Дарвозасини тақиллатди. Дарвозани акаси Мурод очди.

— Ўғрининг келини. Яна келдингми? Эринг Эркин Россияда битта Наташага уйланиб, роҳат-фароғатда яшаб юрган экан-ку. «Ўғрининг ўғлига тегмасам ўламан» дегандинг, келаркансан-ку. Қайноғанг Ҳикмат алкан ҳовлидан ҳайдадими? Тўғри қиласди. Йўқол, — деди.

У одатдагидек маст эди.

Муроднинг бу гапларини эшитган қўшиниси Хосият хола чиқиб:

— Болам, Муроджон бу ишининг нотўғри. Бу уйда Тозагулнинг ҳам ҳаққи бор. Колаверса, якка-ю ягона синглинг. Ота-онангнинг рухини чирқиратма, — деди.

— Нима иш қилишни ўзим яхши биламан. Агар Тозагулни боласи билан уйингизга киритсангиз, сизнинг уйингизга ҳам ўт қўядман, — деди у.

* * *

Ёзнинг салқин оқноми. Кун бўйи саратон тафтидан тинкаси куриган жонзот борки, тунги салқинда ором оляпти. Кўктор қинчлоғи чеккасидаги Кўкбулоқдан шарқираб

түштеган сув қишлоқ сукунатини бузади. Унинг ёнида ўйдек келадиган Катта Қоратош салобат билан туради. Айтгиларича, тунда парилар осмондан опиょқ кийимда тушиб шу Қоратош ёнидаги Кўкбулоқ сувида чўмиларкан. Тонгга якин улар ана шу Катта Қоратошининг ичига кириб йўқ бўлиб кетаркан.

Тунда париларни кўриб қолган йигитлар ҳам уларнинг жамолига маҳлиё бўлиб, парилар билан тошнинг орасига кириб кетаркан. Бу кўксувликлар ўйлаб тоングан ривоят.

Тозагул ўғли Шерзодбек билан кеч кирганда ана шу ерга келди. Бу ердан Ойкор төглари ҳам кафтдагидек кўринишарди. У аввалига булоқнинг сувидан тўйиб ичди. Юзини ювди. Ўслига ҳам кафти билан сув ичирди. Қишлоққа оқшом чўқди. Кўкда тўлин ой пайдо бўлди. Шерзодбекнинг ўйини кела бошлади. Онасига одатдагидек эртак айтиб беринг, — дебди. Она яна ўша эртакни сўзлаб берди.

...Бир қишлоқда она билан бола яшаркан. Ёмон одамчор боланинг онасига кўп азоб бераркан. Она боласи бичин қишлоқ четидаги Катта сойнинг ёнидаги катта тошнинг отанинга келибди. Онаси бир куни ўслига дебди: «Ўслим, мен емон одамларнинг азобидан чарчадим. Парилар билан кетаман. Ой чинканда улар мени олиб кетади», — дебди.

Ўслининг ўзи ёлавиз қолибдими? Онаси ўғли қандай шаркан, — деб сўради Шерзодбек қўркинч аралани.

Онаси ўслига шундай жавоб берибди, — дебди Тозагул. Агар мени соғинсанг, — дебди ўғилнинг онаси, — ой чинкан тунда сой олдидаги Катта Қоратош ёнига келиб:

**Ёрилгин тош, ёрилгин,
Мен онамни кўрайин,**

Дийдорига тўяйин, десанг мен Катта Қоратошнинг орасидан чиқаман. Ёмон одамларнинг орасида яшагандан кўра Қоратошнинг бағрида яшаганим яхши, – дебди боланинг онаси.

– Ёмон одамлар қаердан пайдо бўлади? – деди уйқуси очилиб кетган Шерзодбек.

– Энди ухла, ҳадемай, тоңг отади.

* * *

Эрининг уйидан, ўз ҳовлисидан хайдалган Тозагул тоңгача Кўкбулоқ ёнидаги Катта Қоратош ёнида ўғлини бағрига босганча ўтириб чиқди.

Гёй ушинг хаёлида яшашдан мантиқ қолмагандек эди. Ёлғиз умиди меҳрибон укаси Нусратнинг тақдирни ҳам но маълум. Қишлоққа келмайди. Шайтон Тозагулнинг қалбига булуғу сола бошлади. «Яшаб нима қиласан, ўзингни ўлдир!».

Эрта тоңданоқ Тозагул Хосият холанинг эшигини тақиллатди. – Холажон, Шерзодбекка бугун кечгача қараб туринг. Туман марказига тушиб келаман. Куёвингиз пул жўнатиби. Олиб келай. Сизга ишонаман. Сизни Худога, Шерзодбекни сизга топширдим. Омон бўлинг, – деди.

– Тозагул урушига кетаётган одамга ўхшаб хайлышасан-а, – деди кулиб Хосият хола. – Фақат тез қайт. Ўзинг биласан, қон босими деган дардим бор. Бирпастда чиқади, бирпастда тушади. Бу етмагандек Карим бобонг ҳам ёш боладек инжиқ бўлиб қолган.

* * *

Кўкгов қишлоғи Катта ўзбек трактига 2–3 чақиримлик йўл. Одам жадаллаб юрса ярим соатда етади. Машинада 5–10 дақиқалик масофа. Тозагул қишлоқ ўргасидаги катта йўлга чиқди. «Нексия» келиб тўхтади. Ҳайдовчи кабинадан қўлини чиқариб, «Тозагул она», деда чақирди. Бир синиф настда ўқиган мактабдоши Абдулла экан. Тозагул орка ўриндиққа ўтиради. Автомашина кўп ўтмай Катта ўзбек трактига етиб келди. Тозагул «Нексия»дан тушнаб колди. Шайтон, гўё унга вас-вас қиларди. «Ҳаётда илингизнинг қолмади. Ўзингни ўлдир».

* * *

...Катта йўлдан келаётган «КамАЗ» автомашинасининг кутилмагандага берган тормозидан сўнг асфальт йўлдан тутун чиқиб кетаёзди. Йўл четидаги чойхонада ўтирган одамларнинг юраги ҳам қинидан чиқдиёв. Ҳамма «КамАЗ» томонга киради. Яхшиямки, баҳтсиз ходиса юз бермади. Тозагул катта тезликда келаётган «КамАЗ»нинг йўлига чиққанди. Ҳайдончи хушёрлик қилиб машинани йўл четига буриб юборганди. Машинадан тушган ҳайдовчи бақириб кетди. «Иш, подон қиз кўзингга қараб юрмайсанми? Жонингда касани борми? Кариганимда сен учун қамоқда ўтиришим болупди».

Тозагул индамади. У карахт ҳолда йўл четидаги дарухта суюниб тик турганча ҳайкалдек қотиб қолганди. Кўп ўтмай ҳайдовчи машинасини дараҳтлар соясига олди. Сўнг ўн чойхонага кириб кетди. Чой-пой ичиб асаблари жойига кечган ҳайдовчи йўл четидаги турган Тозагулга қараб:

- Она қизим, йўлда хушёр юриш керак. Акс ҳолда...
- Амаки кечиринг. Билмай қолибман. Мени ҳам олиб кетинг.

— Мен-ку Россияга кетаяпман. Сен қаерга борасан? Тошкентга бўлса олиб кетаман. Лекин шахарга кирмайман.

— Йўлда тупниб қоламан. Тозагулнинг нияти укаси Нусратни тониб, ундан иш тониб беришини сўраш эди. Иш тонгач, ўғлини олиб кетини.

Хайдовчи машина кабинасига чиққач, Тозагулга кўли билан «чик» инорасини қилди.

Йўл-йўлакай Тозагул бошидан ўтган барча азобларни ҳайдовчига айтиб берди. Сўнг кўзига ёш олиб, «амаки яшашимдан мантиқ қолмади», — деди.

— Буни ҳаёт дейдилар, она қизим. Тўрт мучанг соғ. Худога шукр қил. Бу дунёда томоғидан бир қултум сув ўтмаётган қанчалаб беморлар яшаш учун курашимоқда. Йиллаб тўпиакка михланиб ётган одамларнинг саноғи йўқ. Сенга айтсан, менинг дардим ҳам сеникidan ўн чандон ортиқ. Бир кунда бутун бошли оиласдан айрилганман. Якка-ю ягона ўғлим тўйга кетаётиб автоҳалокатга учради. Машинада ўзи, онаси, келиним ва уч ёшли неварам Жамшидбек бўлган. Улардан факат неварам тирик қолган. Бу дардни кўтара олмай ўлсам керак деб ўйлардим, — деди ҳайдовчи оғир хўрсиниб. — Юрибман. Тирикман. Бу дунёда ёлғиз ишончим, таянчим неварам учун яшайман. Ҳовлига кирсам уй ютади. Ҳамкасларим «ишга қайтинг», дейипди. Ишга қайтдим. Одам тафтини одам оларкан. Баъзан иш билан овуниб дардларимни унугаётгандек бўламан. Қарнидан Россияга фермерларнинг юкини олиб бораман. Сенинг ҳам

дунёда илинжинг бор экан-ку. Шукур кил. Ўғлингни ўқит. Мұллук жойлық қил. Келин тушириб неваралар катта қил. Бир нарсаны унутма. Сен ўзингни ўлдирганинг билан ер ішірмиди, билиб қўй, хеч нарса ўзгармайди. Ўғлинг бир умр изобда вояга етади.

Тозагул ўйлади. Иродали инсон экан. Бутун бошли оиласидан ажралса ҳам яшаш учун курашайти.

Улар анча йўл босинди.

Мана қизим, Тошкентта ҳам кириб келдик. Ҳасратганинб, ваңг қандай ўтганини ҳам билмай қолибмиз. Ҳадемий, «Енгіткүнрик» ности келади. Постдан ўтсан, у томони Қазоқистон. Сени шу ерга тушираман. Яхшиси мен билан юр. Мана бу чойхонада қоринни тўқлаб оламиз, – деб сердариҳт чойхона томон машинасини бурди. Йўл четида эса узунчилиги нағонни эслатадиган машиналар туриқатор туришарди.

Тозагул ҳайдовчининг ортидан эрганиди. Улар тамадди килиниди.

Мен энди йўлга тушаман. Россиягача қозокнинг чўтида икки кун юришим керак. Ҳали постдаги божхоначилар кўп вақтимни олади. Сенга келсак, шайтон йўлига кирма. Инсонга ҳаёт икки марта берилмайди. Тошкент багрикенг шаҳар. Миллионлаб одамларга ризқ улашадиган жой Ҳалол ишила. Пул топ. Ҳаётингни изга сол. Мана бу нут сенга, – дея ҳайдовчи Тозагулга анчагина пул узатди.

Амаки, шусиз ҳам сиздан қарздорман.

Бу ганинг ортиқча. Мен бу шулларни нима қиласман. Қазоқистонга ўтсанг бўлди. Постдаги «азамат»лар. «Кўки» беринг уй кўку», – дейди.

Улар хайрлапди. Ҳайдовчи кетгач, Тозагул фикрини жамлаб олди. Дунёда қандай яхши одамлар бор. Улардан ҳаётда курашиб яшашни ўрганиш керак. Тугишганинг қилмаган яхшиликни қилишади-я. Керак бўлса, бундай одамлар сенга жонини беради. Қизиқ, амакининг исмини ҳам сўрамабман ҳаёлидан ўтказди у. Ўзини ўзи койиган бўлди. Ўзича пи chirлади: Тошкентда ишлайман. Пул тонаман. Уй оламан. Ўғлимни ўқитаман.

* * *

Күёш уфқка бош қўймоқда. Ҳалигина дарахтлар учидаги «илиниб» турган күёш билдириштагина «уй»ига кириб кетди. Ёзнинг кечки салқин шабадаси дилларга ором беради. Узок сафарга отланган юқ машиналари жойидан қўзғалиб, божхона пости томон «эмаклай» бошламоқда. Оқшом чўқкач, йўлнинг ўнг томонида эса «Фиштқўприк» пости – 200 метр» ёзуви ёниб ўча бошлади. Чойхона атрофидаги чироқлар бирин-кетин ёнди. Оқшом чўқди. Кўп ўтмай чойхона атрофида биронта автомашина қолмади.

– Энди чойхонани ёпамиз, – деди ёши 25–30 ёшлардаги бир киши Тозагулнинг ёнига келиб.

– Бу жойни ҳайдовчилар «питак» дейишади. Факат қундуз куни тўхтаб дам олишади. Тунда бу йўлдан юрадиган ҳайдовчилар бу ерда тўхтамайди. «Фиштқўприк»дан ўтгач, тўғри Қозоғистон орқали Россияяга ўтиб кетишади, – деди.

Тозагул индамади. Бироздан сўнг йигитга қараб: – Яхшироқ иш бўлса ишламоқчи эдим, – деди.

Яхши. Хўжайин шу ерда эди. Сўраб кўрай-чи, зора ишга олса, – деди-да сўнг чойхона четидаги кичикроқ хонига кириб кетди.

Кўни ўтмай хонадан 35–40 ёшлиардаги онон қийимдаги ғанинг чиқиб келди. Улар саломлашишди. Хўжайин Тозагулдин ясачон тугилганлигини, қандай иш қўлидан келишини сўради. Сўнг «Сиз кутиб туринг. Бир онахоним бор эди. Яхши, ақсли қизлар бўлса ишга оламан деганди», – деди-да ғанинг хонасига кириб кетди. Сўнг «онахони»га телефон килди. – Роза она битта зўри илинди. Иш сўраб келиб турибди. Яхши «нарса». Сизбон. Кетвортган. Қармоққа илинтира олсангиз 10 минг «кўки»га кетади.

Кутинг. Мен ҳозир етиб бораман, – деган овоздан ғанинг телефон учди.

Кўни ўтмай чойхона ёнида қора «Мерседес» автомашинаси пайдо бўлди. Ундан башанг кийинган, бармоқларига кўни кўшина тилла узуклар таққан 40–50 ёшлиардаги аёл гуниб келди. Чойхона хўжайини унга пешвоз чиқди. Улар бироз гаплашгач, Тозагулнинг ёнига келди. Чойхона хўжайини «Сизлар бемалол гаплашиб олинглар», деб ҳайлончининг ёнига кетди.

Ишламоқчимисиз, асалим, – дея гап бошлади аёл. – Менинг исмим Роза, фамилиям Алиева. Бизга сиздек сергайрат қизлар керак. Биз қизларни хориждаги кўғирчоқ ишлаб чиқарадиган фирмага ишга юборамиз. Фирмадагилар ойнига 4–5 минг АҚШ долларидан беришади. У ерда бир ғанинг ишлаб келсангиз, Тошкентдан данфиллама ҳовли ола-

сиз, «Нексия»лик бўласиз. У ерларда ишлаб келган қизлар ҳар куни телефон қилишади. «Роза она, қачон бизни яна ишга юборасиз», деб. Тошкентда, фирмамиизда хам иш бор. Тўғриси, унинг ойлик маонии ҳаминқадар. Сизга тўғри келмайди. Рози бўлсангиз бугундан ишни бошлаймиз. Паспортигини берсангиз, йигитлар сизга виза тўғрилаб беришади. У ерга борин учун харажатларни ёнимдан тўлайман. Қарзни ойлигини гиздан оз-оздан ушлаб қоламиз. 15 кундан сўнг хорижда ишни бошлайсиз. Бир йилда бир марта таътил берамиз. Ўйингизга келиб кетасиз. Ўйлаб кўринг.

— Розиман, — деди Тозагул, — кўн ҳам ўйлаб ўтирумай. Чойхона ёнидаги «Мерседес» шаҳар томони елдек учиб кетди.

* * *

«Тошкент – Дубай» рейси билан қатнайдиган самолёт тунги 3.00 да Дубай аэропортига қўнди. У ерда Роза нинг 5 нафар қизини икки нафар башанг кийинган ўзбек йигитлари кутиб олди. «Сизлар Роза опанинг қизлари бўлсангиз керак. Биз қўғирчоқ фирмасиданмиз», дейишиди. Йигитлар қизларни шаҳардаги меҳмонхоналардан бирига олиб келишиди. Улар лифтда меҳмонхонанинг 22-қаватига кўтарилишиди. Тозагул пастга қараганида ердаги одамлар гўё чумолидек кўринди.

— Энди қизлар паспортларингни берасизлар. Эртага хўжайин келиб сизлар билан ўзи сухбатлашади.

Қизлар индамасдан ҳалиги йигитларга паспортларини беришиди. Сўнг қизлар айтилган хоналарга кириб жойлашишиниди.

Орталаб бу ернинг хўжайини Басика (фоҳишаларнинг
хўжайини) келиб, қизларни бирма-бир сухбатга чорлади.

* * *

Бир ойдан ошибдикি, Хосият холанинг ичига чирок
өса ёринмайди. Тозагулнинг ганига ишониб, унинг ўели
Шерзодбекни олиб қолганди. Энди ҳар куни чоли Карим
бободан эрталаб бир, кечкурун бир сўкини эшитади. Тозагул
курир «туман марказига бориб келаман», деб қайтмади. На
Чинни бор, на тириги. Ҳеч ким билмайди. Бола ҳар куни она-
синин йўлига интизор. Карим бобо қишлоқ оқсоқолларини
шунеб бўлган воқеани айтди. Сўнг оқсоқоллар кенгашиб,
Тозагулнинг қайногаси Ҳикмат билан акаси Муродга бўлган
воқеани айттиди. Улар бу воқеадан бехабар эканлигини,
кайниб келгандга ҳам она-болага ховлиларидан жой бермас-
чишини айттиди. Осмон баланд, ер қаттиқ.

* * *

Кеч кирини билан Хосият холанинг юмуши кўпайгандан
вчанди. Сигир соғади, сўнг ем беради. Кейин сутни пиши-
рани. Ундан сўнг эса кечки овқатни тайёрлайди...

Тозагулнинг бедарак кетганига ҳам бир ойдан ошди.

Бугун ҳам онаси ёдига тушган Шерзодбек қишлоқ чети-
нин йўксув булоги ёнидаги Катта Коратош ёнига жўнади.
У ерил бориб, онаси айтиб берган эртакдаги:

Ерилгин тош, ёрилгин,

Мен онамини кўрайин,

Дилдорига тўяйин, – деган сатрларни қайтарарди. Гўё
унини хаёлида нарилар онасини олиб жеттап. Ой чиққандা

онаси тошлар орасидан чиқиб келадигандек. Хосият хола ҳамма ишларини тутгатиб уйига кирса, не кўз билан кўрсинки, уйда Шерзодбек йўқ эди.

— Шерзодбек, Шерзодбек қаердасан? — чақирди Хосият хола. Сўнг жон ҳолатда кўчага отилди. Йўлда хоргин қайтаётган Аҳад подачини кўриб қолди. — Хой, Аҳад, Тозагулнинг ўғли Шерзодбекни кўрмадингми? — сўради.

— Кўрдим. Ҳайрон бўлдим. У бир ўзи Кўксув томонга кетаётганди.

Хосият хола жон ҳолатда у томонга югурди. Не кўз билан кўрсинки, Шерзодбек Кўкбулоқ қирғонидаги Катта Қоратош ёнида ўтиради.

Кўкда эса ҳали ой чиқмаган эди.

* * *

Меҳмонхона йўлакчасига чиққан Тозагул атрофдаги аёлларнинг яримяланғоч юрганини кўриб ҳайрон қолди. Навбати билан уни ҳам ичкарига, хўжайин аёл Басика олдига суҳбатга чақиришди. Уни суҳбатга олиб кираётган аёл:

— Басиканинг барча гапларига рози бўл. Акс холда, ўзингга ёмон бўлади, — деди.

Салом-алиқдан сўнг Басика гап бошлади.

— Нима ин қилишингизни биласизми?

— Роза она кўғирчоқ фирмасида ишлайсиз. З–4 минг «кўки»дан тўлайди, деганди.

— Мен сиз учун Роза онангизга 10 минг «кўки»дан берганман. Қачонки, ана шу маблағни тўлаб бўлсангиз,

ўзингизнинг чўнтағингизга ишлайсиз. Қиладиган ишиңгиз эрқакларни «қабул» қилиш.

— Мени ўлдиришингиз мумкин. Лекин бу жирканчини қилмайман, — деди қатъий оҳангда Тозагул.

— Мен сени ҳали мулла минган эшақдай қиласман. Сенга ўхшаган асов манжалақиларнинг кўпини кўрганман. Айттанимни қилмасанг Илондарага (мужоҳидлар машқ қиладиган жой) жўнатаман. Наппа чеккан мужоҳидлар бир кечада сенга ҳаёт нималигини кўрсатиб кўяди. Ҳали менинг совунимга кир ювмаган экансан, — деди-да кимгадир телефон қилди.

Сўнг ёнидаги тугмани босди. Эшик очилиб, Тозагулни сухбатга олиб келган рус аёли пайдо бўлди.

— Айт, мана бу манжалақига «тарбиявий соат» ўтсин. Сўнг гаплашамиз, — деди. Мехмонхона йўлакчасида эркак сифат 3–4 нафар аёл гаплашиб турарди. Ҳалиги рус аёли Розанинг кулогига аста шивирлади:

— Нотўғри иш қилдинг, — деди.

Аёлларнинг бири Тозагулга орқамиздан юр ишорасини қилди. Тозагул уларнинг ортидан ноилож эргашди. Уни сув тўлдирилган ваниали хонага олиб кирди. Хонага кириши билан барзанги аёллардан бири Тозагулнинг юзига кутилмаганда мушит туширди. Иккинчиси унинг соидан унлаб бошини ванинадаги сувга тикди. Учинчи аёл эса Тозагулнинг икки кўлинин унлаб турди. 3–4 марта бу ҳолат такрорлангач, Тозагул хушидан кетди. «Тарбиявий соат» тутаганди. Бирон соатдан сўнг Тозагул ўзига келди. Бутун танаси зирқираб оғрирди. Кон-коронги хонага эшик

тирқишидан ёруғ тушиб турарди. Тозагул әмаклаб эшикнинг ёнига борди-да, амаллаб унга суюниб оёқка турди. Сўнг эшикни кетма-кет муштлади. Кўп ўтмай ҳалиги рус аёли эшикни очди.

Тозагул ие кўз билан кўрсники, меҳмонхона фойесида ўзи билан бирга Тонкентдан келган қизлар сочларини кестириб яримяланғоч ҳолда телевизорда аллақандай беҳаёс фильмни кўриб ўтиради. Ҳалиги рус аёли Тозагулни четдаги хоналарнинг бирига жойлаштириди. Хонада биттагина эски диван, пол артишда ишлатиладиган латталар ва 3-4 эски челак думалаб ётарди.

Ҳалиги рус аёли Тозагулга ўзини таништириди. Исли Наташа экан. Россиянинг Воронеж вилоятидан эканлигини, у алданиб қолганини, бу ерда тил билмаслигини, Басика паспортини олиб қўйганини, юртига борса қамалиб кетишини айтди.

Тозагулга бу жиной гурух жуда хавфлилигини, унинг ортида катта кучлар борлигини уқтириди.

Тозагул қаерга келиб қолганини энди англаб етди. Телевизорда қўрган алданган аёллар ҳакидаги кинолар кўз олдида намоён бўлди. Ўз тақдирни ҳакида ўйлаб ухлаб қолди. Тушига ўғли кирди. Ўғли онасини қишлоқ четидаги Кўксой кирғонидаги Катта Қоратош ёнида кутиб ўтирган эмиш. У энди боласини бағрига босмоқчи бўлганида эшикнинг тақилланидан уйғониб кетди.

— Эртага яна Басиканинг сухбатига кирасан, — деди Наташа. — Энди ундан қилма. Унинг айтганларини қил. Бўлмаса ёмон бўлади.

Тозагул мәхмөнхонанинг фойесси томон юрди. Қизлар уни бу ёққа кел, дея қўллари билан ишора қилиб чақириши.

— Тозагул нега Басиканинг айтганини қилмаяисан? У сенга ёмонлик қилмайди. Фақат «топшириғи»ни бажарсанг бўлди. Ёмон япамайсан. Бир йилда Тошкентдан уй оласан, — деди ўзини Ситора, дея таништирган 30–35 ёнилардаги аёл. Шу «касбим» орқали Бухоро шаҳридан 2 та ҳовли сотиг бўлдим. 4 та дорихонам бор. Энди шаҳарда тўйхона қураяпмиз.

— Ифлос йўллар билан шул топишингизни эрингиз биладими? — сўради Тозагулнинг асаби бузилиб.

— Эримга қўғирчоқ фирмасида ишлайман, деганман. «Қўки»дан жўнатиб турганингдан сўнг эрингни сен билан иши бўлмай қоларкан. У ҳам жим юради дейсанми? Биронтасини топиб олиб мазза қилиб юргандир, мен юбораётган «қўки»га. Эркакларга ишонч йўқ. Бизлар аёл бошимиз билан нима ишлар қилмаяпмиз. Илгари бир аёлнинг макри кирқ эшакка юк бўлади, дейишган. Ҳозирги замонда бизларга ўхшаган айрим аёлларнинг макри кирқ вагонга сиймайди. Шу пайтда Ситорани чақириб қолди. Янги «бой» (у срдаги мижозларни шундай дейишади) келди, — деди.

— Сенга маслаҳатим ҳали ёш экансан. Жамолингдан фойдаланиб шароитингни тўғрилаб ол. Уй ол. Автоманина. 4–5 йилдан сўнг сенга 70 ёшли чол ҳам қарамайди, — деди ўзини Лена деб таништирган аёл. — Башаранг шафтоли қоқи бўлиб қолади. Ўзимга келсам, эрим бир заводда ишлайди. Биримиз икки бўлмади. Ҳозир «иншум» яхши.

Тошкентдан 2 та 2 хонали уй олдим. Ижарага қўйганман. Ҳар бир уйдан ойига 200 «кўки»дан оламан, – деди Лена.

– Эринг бу «ишинг»ни биладими?

– Ресторанда официантман деганман. Қўнғироқлашиб турамиз. Қизим 1-синфга боради. Сенга тўғрисини айтсам, фоҳишалик яхши касб. Фақат эринг билан қариндошируғинг билиб қолмаса бас.

– Мени алдашибди, – деди Тозагул. – Бундай бўлишини билганимда бу юртларга келмаган бўлардим. Бунинг учун ўзим айборман.

– Тошкентдан бирга келган қизлар билан гапланимадингми? Улар ҳам ўз ихтиёри билан «алданган»лар. Дубайдага нима иш билан шугулланишини яхши билган. Улар сенга йўлда айтмадими? Дугоналаринг аллақачон «Бой»ларни қабул қилишни бошлаб юборди. Сен эса...

– Сен ҳакиқий алданган бўлсанг, бу ердаги аёлларнинг 90 фоизи «ихтиёрий» алданганлар. «Агар бирон жойда полицияга кўлга тушиб қолсақ, йиғлаймиз. Пасиортимни йўқотиб қўйдим. Саёҳатга келган эдим», – деймиз. Қолаверса, Басика бизни жаҳаннамнинг оғизидан ҳам сувуриб олади. Фақат унинг айтганига рози бўлсанг бас. Унинг қўли узун. У билан ўйнашиб бўлмайди.

* * *

Икки-уч хафтадан сўнг кутилмаганда бу ердагиларнинг Тозагулга нисбатан муомалалари ижобий томонга ўзгарди. Уни яхши таомлар билан сийлай бошлашибди. Бугун тунгликдан сўнг уни яхшилаб чўмилтиришибди. Қопларига

кора қалам тортиб, кўзларига араб сурмаларидан суришди. Мехмонхонанинг икки кишилик хонасидан жой берди. Хона анвойи гуллар билан безатилиб, тўкин дастурхон тузалди. Лекин Тозагулнинг ичига чирок ёқса ёришмасди. Факат ўғли Шерзодбек ва Хосият холани ўйларди. Ўша куни, энди кўзи илингандар эдикни, хонасининг эшиги очилиб, 40-45 ёшлардаги бир эркак кириб келди. У оппюқ кийинган эди. У кулиб ўз тилида Тозагулга нималардир деди. Тозагул тунунмади. Сўнг у Тозагулни безатилган дастурхонга таклиф қилди-да, француз конъягини очиб узатди.

— Сиз ким бўласиз? Хонамдан чиқиб кетинг. Ҳозир аёлларни чақираман, — деди катъий оҳангда Тозагул. Ҳалиги эркак кулиб, ўз тилида яна нималарнидир ганирди. Бирордан сўнг у ечина бошлади. Тозагулнинг олдига 200 АҚШ долларини ташлади. У Тозагул долларни олади деб ўйлади. Бу ердаги аёллар доллар деса жонини беради-да. Тозагул ундан қилмади. Аксинча, доллар устига оёгини қўйиб, уни эзис ташлади. У чўнгагидан яна 300 АҚШ долларини чиқариб, Тозагулнинг ёнига ташлади. Бу гал хам Тозагул иккинчи оёғи билан долларни эзғилади. Тозагулнинг бу иши эркакнинг нафсониятига тегди шекилли, ўз тилида яна нималардир деди-да, сўнг асаби бузилиб Тозагулга яқинлаша бошлади. Тозагул бир қадам олдинга юрди-да, ёстиғи тагидан пичоқ олди. Сўнг унга қараб бақирди. «Йўқол, ифлос», — деди важоҳат билан. Пичоқни кўрган ҳалиги эркак орқага юриб нимадир дея бақирди. Бу манзарани видеокамера орқали кузатиб (хоналарга яширинча камералар кўйилган) турган Басиканинг «қўшима»чилари яшнини очиб, ҳалиги эркакни олиб чиқиб кетди.

* * *

— Тозагул кече қилган ишингни эшигиб хафа бўлдим. Сен билан келган қизлар қунига 200–300 «кўки»дан топаянти. Тўғрисини айт. Бизнинг «йўл»га юрасанми ёки йўқми? — сўради Басика.

Тозагул индамади.

— Демак, рози эмассан.

— Ўлсам ҳам.

Басика тугмачани босди.

Эшик очилиб Натана кириб келди.

Басика буюрди: «Тарбиявий «дарс»лар давом эттирилсин.

«Ўқитувчи»лар бу гал «дарс»ни бошқача «ўтиниди». Тозагулнинг оғзини «скотч»лаб оғидан баландга осиб қўйинди. Хушидан кетгач, кўл-оғенини ечиб устидан бир челяк муздек сув сениб юборинди. Тозагул анча вақтдан сўнг хушига келди.

* * *

Ҳадемай Янги йил келади. Шерзодбекнинг биринчи синфга қатнаётганига салкам ярим йил бўлади. Салкам бир йилдан ошибдики, онасидан дарак йўқ. Хосият хола билан Карим бобо ҳам тақдирга тан берди. Тозагул тирик бўлганда ўғли учун кишлоққа қайтарди дейинди. Бироқ...

Шерзодбек бугун ҳам онасига хат ёзди. Ўйлайди. Кўкбулоқ ёнидаги Катта Коратони ёриғига ташласам, тунда чўмилинига келган нарилар хатимни онамга олиб бориб берса.

«Ойижон, мактабга борганимга ҳам олти ой бўлди.
Ёзишни, ўқишини билиб олдим. Ҳатто, мадҳиямизни ту-
тилмай айта оладиган бўлдим. Сиз нега мени ташлаб
кетдингиз? Ёки сизни сув парилар олиб кетдими? Кечак
кечкурун ҳам Кўкбулоқдаги Катта Қоратош ёнига бор-
дим. Сиз айтиб берадиган эртакдаги:

Ёрилгин тош, ёрилгин,

Мен онамни қўрайин,

Дийдорига тўяйин,

деган сўзларни айтдим. Сизнинг эртагингиздаги ўша
бала онасини соғинса, онаси парилар билан тошнинг
орасидан чиқади, дегандингиз-ку. Мен ҳар қуни эртак-
нинг шеърий сатрларини айтаман. Лекин тош ёрилма-
ди. Сиз чиқмадингиз. Нега? Сиз ҳам ёмон одамлардан
хафа бўлдингизми? Ёки у ердаги ёмон одамлар сизни
қўйиб юбормаяптими. Ойижон, жон ойижон. Сизни жуда
соғинидим. Тошларни ёриб бир марта чиқа қолсангиз нима
бўлади?

Ўғлинигиз Шерзодбек».

* * *

Тозагул Басиканинг измига бўйсунмади. У энди
мехмонхонадаги энг қора ишларни бажарадиган бўлди.
Фоҳинсаларнинг ички кийимини, ҳожатхоналарни ва хона-
ларнинг полини артадиган бўлди. Бу ишларни у ялангоёқда,
яримяланғоч холда бажаарди. Акс холда, у кочиб кетини
мумкин.

Тозагул бу ердаги иккита мухитни кўриб ҳайрон қолди. Аёлларнинг кўпчилиги яримяланғоч ҳолда юрса, баъзилари бошдан-оёқ қора «кийим»га ўралиб юради. Ҳижобда.

Бир куни Басика кутилмаганда йигилишга чақирди. Йигилишда нимагадир соқол қўйган, қора қўзойнак тақсан кишилар ҳам пайдо бўлди.

— Аёл ўттиз ёнга кирса ўтин бўлади. Уни оқ қоғозга ўраб итга берсанг, ит ҳам ҳидламайди. Шундай экан, 30 ёнидан ошган аёллардан яна боинқа мақсадларда фойдаланишимиз керак. Ҳар доим бу «иш»ларни қилганмиз. Тўғрисини айтадиган бўлсам, аёлларни жиҳодга тайёрлашимиз лозим. Хорижлик ҳамкорларимиз катта маблағ таклиф қиласиги.

— Ўтган йил бу ишни қилганмиз. «Кўки»дан яхшигина беришган, — деди Басика. Сўнг йигилганларга аллақандай китоб ва дисклар беринди. — Асосий «дарс»лик шу бўлади. «Сен фоҳишалик қилиб гуноҳга ботдинг, жаннатга киришни истасанг ўзингни жиҳод қилишинг керак, жаннатга тушасан», деган гапларни хар куни уларнинг миясига қуиши керак. Компьютерларни жиҳодчиларнинг сайтига улаб қўйинглар. Фойдалансин. «Ўқитувчи»лар мана бу китоблардан сабоқ беради. Бизнинг вазифамиз аёлларни гоявий жиҳатдан тайёрлаш, автоматда отиш ва ўзини қандай портлатишларни илондарадагиларнинг ўзлари ўргатади.

— Жиҳодга тайёрланётган аёлнинг ҳар бирига 5 минг АҚШ долларидан бериш керак. Уйларига жўнаташибин. Улар уйидагилари билан гаплашаётганда «маошимни жўнаташман. Қўғирчоқ ишилаб чиқараётган фирмамиз боинқа

жойға күчаяпти. Кейин құнғироқ қиласын», деса бўлди. Ортиқча бир сўз демасин. Ҳамма жойда қадамимизни пой-лаб юрганлар бор, – деди ёрдамчиларидан бирига.

Йигилиш тугади.

Кўп ўтмай Басиканинг хонасига ҳижобдаги беш нафар аёл кириб келди. Улар: «Биз жиходга тайёрмиз, қачон кетамиз», – дейишди.

Бу аёллар аллақачон «зомби»га айланиб бўлган 30 ёнидан ошиб, бозори касод бўлган қари фоҳишалар – кора қузгуналар эди.

– Асалларим, уйингизга мана буни жўнатинглар, – деха Басика тортмасидан икки пачка «кўки»дан чиқариб ташлали. – Тенг тақсимлайсизлар. Фақат бу кийимда шаҳарга чиқманглар. Дам олиб, кино кўриб хоналарингда мазза қилиб ётаверинглар. Қачон, ким қаерга кетишими ўзим айтаман. У томонлардан вакиллар келса, бирга кетасизлар, – деди-да уларни эшиккача кузатиб қўйди.

Тозагул бу сўзларни Басиканинг маҳсус ҳожатхонасини тозалаётганда эшишиб қолди. Басика ташқарига чиққанди орқа эшиқдан меҳмонхона фойесига чиқиб олди. Ҳеч ким сезмади. Тозагул қишлоғида сигир соғиб, нон ёпиб юргани кезларини эслади. Ўғли ёдига тушди. Ҳўрлиги келиб йиелаб юборди.

– Йиғлама. Инсон тақдирига ёзилганини кўрар экан. Кимлардир бу ерга пул бериб, пул ишлаш учун келаркан. Кимларнидир кимлар алдаб олиб келишаркан. Мени ҳам алдаб олиб келишган. Катта пул ваъда қилишган. Тўрт онеси бир ҳовлида яшардик. Ҳовлимизданда ҳар куни жанжал

бўларди, – деди йигирма уч-йигирма тўрт ёшлардаги аёл. Қайнотам билан қайнонам «уй тониб чикиб кетинглар», дерди. Уй олинига нул қайда дейсиз. Тошкентда бир хонали уй фалон доллар турса. Эрим ногирон, мен маҳалламиздаги нон цехида ишлардим. Бир куни бир аёл келиб, «Ким чет элда ишланинг хоҳласа олиб кетамиз. Ойига 3–4 минг АҚШ доллари. Қўғирчок фирмасида ишлайди. Бир йилда уй олишингиз мумкин», – деди. Ишониб келгандим. Ит азобини едим. Хўрлашиди. Ўлмай қолиши учун жирканч ишларни қилдим. Бир нафар қизимни онамга қолдириб келгандим. Қизим ҳар куни тушимга киради. Бу ерда бизни жиходга тайёрлашиди. Ҳар хил киноларни кўрсатиб, диний сабоқ беришиди. Уларнинг ганига ишонган аёллар ўзларини ўзлари портлатиб юборишга рози бўлишиди. Бир куни туида бизни бу ердан бир жойларга олиб кетишиди. Машинада, вертолётда, отда юрдик. Аввалига бизнинг кўзимизни боғлаб бир тоғли кишлоққа олиб боришиди. Сўнг у ердан от миндириб баланд токқа, жангарилар яшайдиган дарага олиб кетишиди. У жойларга фақат отда ва вертолётда бориш мумкин. Сўнг бизни Амир Тўрахоннинг олдига олиб киришиди. У, энг аввало, мени никоҳига олиб уч кун хотин қилди. Сўнг хизматкорларнинг бирига «совға» қилиб юборди. Қолган беш нафар аёлни ҳам шундай қилишиди. Бизга ҳар куни автоматдан қандай отишни, ўзимизни қандай қилиб одамлар орасида портлатиб юборишимиизни ўргатарди. У ерда алданганлари ҳам кўп эди. Лекин айрим аёллар манқуртга айланиб бўлганди. Улар оиласини унугтан. Фақат тезроқ ўзини портлатиб, жанинатга кириш иштиёқи билан ёнарди.

Кеч кириши билан бузукчиликлар бошланарди. Ҳатто аёлларга мажбурлаб наша чектирилар эди. Сўнг эса... Мен билан бирга борган 5 нафар аёлни бир давлатнинг тўюлонларига ташлашиди. Биз у ерда намойишчилар орасида ўзимизни нортлатишмиз керак эди. Не кўз билан қўрайки, у ерда қўшнимиз Рустамни кўриб қолдим. Айтишинча, у компьютерда мужоҳидларнинг сайтига кириб уларга боғланиб қолган, улар хат ёзиб ўзларига оғдириб олибди. Янирин ўйлар билан у ерга бориб қолибди. «Уйга қайт», десам индамади. Алданиб қолгани учун роса йинлади. Мени олиб борган одамларга Рустам катта маблағ бериб, мени орқага қайтариб юборди. Мен ўзим билан борган аёлларни ўша ердаги тўюлононда йўқотиб кўйдим. – Қандай бўлмасин кочиб бўлса-да, Дубайдаги Ўзбекистон элчихонасига бор. Бор ҳақиқатни айт. Юрт кечиради, – деди қўшним Рустам. Ифлослар мени элчихонага эмас, улар яна Басикага «кўки»га сотиб кетишди. Бу ердан эса чиқишининг иложи йўқ. Юртга борсак бизни кечиришармийки?

* * *

Ярим тунда Тозагул ётган хонанинг эшиги тақиллади. «Мана бу кийимларни тез кийиб ол, юртингга қайтаркансан», – деди эшикни очган аёл. Кўлидаги аёллар киядиган хижоб кийимларни бериб, сўнг ўша аёл уни меҳмонхонанинг биринчи қаватигача кузатиб кўйди. Меҳмонхона ҳовлисида кўзойнак тақсан 4–5 нафар эркак бир гурух аёллар билан турарди. Аёлларнинг барчаси хижобда эди. Кора кўзойнак тақсан йигитларнинг бири Тозагулни кўргач:

— Машинага чиқинглар, — дея буйрук берди.

Тозагулни ҳалиги аёлнинг «юртингга кетаркансан», деган сўзи хаёлини олиб кўйганди. Ўйлади, наҳотки, барча чеккан азоблари ортда қолган бўлса.

У ҳали ўзини қандай азоблар кутаётганини билмайди.

Ҳамма меҳмонхона ташқарисида турган иккита «Жин»га ўтиришиди. Автомашина ичкарисидан ташқари аниқ-тиник кўринарди. Ташқаридаги одам эса ичкаридагиларни кўрмасди. Автомашиналарнинг ойналари қорайтирилгандида.

Тунги Дубай ниҳоятда гўзал эди. Минг хил чироқлар нурида шаҳар ўзгача тароват каниф этганди. Вакт ярим тун бўлишига қарамай, қўчалар кундузгидек чарогон ва гавжум эди. Гўё шаҳар уйғоқ.

Тозагул машинадагиларга зимдан разм солди. Аёлларнинг ҳаммаси қора хижобга ўралган эди. Автомашина бошқараётган ҳайдовчи қора кўзойнак таққан, унинг кийимлари ҳам копкора эди.

Чамаси 2–3 соатдан сўнг тонг отди.

Гўё қуёш барҳанлар орасидан бош кўтараётгандек эди.

Кўп ўтмай автомашиналар катта қумликнинг ўртасидаги катта йўлга чиқиб олди. Қуёш аста-секин атрофга олов пуркай бошлиди. Машинанинг ичкариси салқин эди. Саратон жазирамасида автомашина совуткичлари жонга ҳузур бағишларди.

Тушликка яқин автомашиналар йўл четидаги ёнилги қўйини шоҳобчасига ёндош емакхона ёнида тўхтади. Аёлларни битта хонага олиб киришиди. Эркаклар бошқа хона-

да тамадди қилишди. Күп ўтмай, осмонда битта вертолёт шайдо бўлди. У емакхона ёнига келиб қўнди. Эркаклардан бири аёлларни эрганишириб вертолётта чиқарди. Ким қаерга, нега кетаётганини хеч ким билмасди. Тозагул ҳам уларга бу саволни беришга журъат этолмасди. Тозагулнинг хаёлига уч кун олдин гаплашган аёлнинг «вертолётда бир жойга олиб борди. Сўнг кўзимизни боғлаб тоққа олиб чиқди», деган гаплари ёдига тушиди. Тозагулнинг хаёлига Басикашинг ёнига кириб «Биз жиходга тайёрмиз», деган аёллар келди. Булар ўшалармасмикин. Даҳшатга тушиди. «Сен менниг измимга юрмадинг. Сени Илондарадаги наана чеккан муҳоҳидларнинг ёнига юборман. Уларнинг қўйнида эркак кўргандек бўласан», деган гаплари ёдига тушиди.

Ифлос Басика бошимга қандай кунларни солдинг пи-чиҳлади Тозагул. У энди қаерга кетаётганини англай бошилади. Бироқ... Инсон тақдирида ёзилганини кўради, дегани шу бўлса керакда.

Вертолёт чамаси бир соатлардан сўнг ҳайбатли тоғлар ёнидаги кичкинагина текисликка қўнди. Тоғнинг ёнгинасида икки-учта тошдан қурилган уйчалар, унинг ёнида 8–10 бош отлар боғлоқлик турарди. Кўп ўтмай тош уйлардан елкаларига автомат ташлаган, оқ кўйлак, оқ иштон кийган ўнинафардан ортиқ эркаклар чиқиб келди. Улар вертолётдагилар билан нималарнидир гаплашишиди. Кўп ўтмай вертолёт осмонга қўтарилди.

Автомат қўтарган йигитлар аёлларни ўзлари яшаётган тошдан қурилган уйлар томон бошлишиди. Уйларнинг олди томонида «мехмон»лар учун маҳсус дастурхон тайёрлаб

қўйилганди. Гўё ресторон. Минг бир хил таом. Дастурхонда африка бананидан баҳмал олмасигача бор эди. Битта қозонда гўшт қайнарди. Унинг устига арча шохлари ташлаб қўйилган. Тошдан ясалган қўралардаги кабоблар устига тоғ ялини билан кийик ўтидан ташланган.

Тўда боши аёлларга ўз тилида нималардир деди. Ёни каттароқ аёл унинг ганини аёлларга тушиунтириди. У аёл «Бемалол ҳижобларни ечиб ўтираверинглар. Ҳаммамиз битта одаммиз. Яна бир нарсани айтиб қўймоқчиман. Кимки бу ердан қочинига ҳаракат қиласа, унга раҳм қилинмайди. Қолаверса, төгларда емак қидириб юрган бўрилар тирик жонни омон қўймайди, деяни», – деди. Бу хотин аёллар гурухининг бошлиги Ҳаё эди. У Басиканинг инсончли одами. У мураккаб хислатли, қаҳри қаттиқ аёл эди. Мехмонхонадаги лақаби «эчки». Кўнгина аёллар жиҳоддея ўлади, у эса омон қолади.

Кўни ўтмай, аёллар ҳижобларини ечиб ташлашди. Очликдан силласи қуриган аёллар оч бўридек ўзларини овқатга ташлашди. Кўкнори қўшиб пиширилган овқатлар барчани сархуш килиб қўйганди. Кўп ўтмай тўда бошлиги қора соқолли одам ёнидаги аёлнинг қўлидан ушлаб ўзига тортиди. Бироздан сўнг бошқа «мезбон»лар ҳам ёнларидағи аёлларни сой бўйидаги хилват жойларга етаклашди. «Мезбон»ларга қарнилилк қўрсатилининг фойдаси йўқлигини «мехмон»лар яхни билишади. Чунки, уларда курол бор. Бу ерларда қуш ўлдириши билан одам ўлдиришининг фарқи йўқ.

Ёни каттароқ қария 2–3 нафар одами билан қолган «мехмон»ларнинг ёнида қолди. Уларнинг орасида Тозагул ҳам бор эди. Барча сархуш эди. Бироқ шундай бўлса-да, «мезбон»лар кўлларидағи автоматларга хушёр эди. Қария ўз тилида Тозагулга нимадир деди. Тозагул тушунмадим, деди кўли билан ишора қилиб. Қария индамади.

Кочишга уринган «мехмон»ларга меҳр кўрсатилмаслиги аниқ эди. Тоннириқ шундай бўлган. Чамаси орадан бир солатлар ўтгач, «мехмон»лар «мезбон»лар билан «иши»ларини биттириб сойбўйи томондан келишарди. Ярим тун бўлишига қарамай оқном ёруғ эди. Кўкдаги тўлин ой ёвдуси атрофни ҷароғон қилиб турганди.

Кизифи, тош уйларнинг ичкарисида компьютер ва телевизорлар ишлаб турарди. Улар уйнинг бурчагидаги тўртта аккумуляторга улаб қўйилганди.

Гўё ҳеч нарса бўлмагандек, барча яна дастурхон атрофига йиғилди. Аёллар яна ҳижобга ўранишди. Кўп ўтмай, ёркаклар автоматларини чинордаги қозикларга илиб, намоз ўқишига киришди. Қария автоматлар илинган дараҳтнинг ёнида қуролларга қоровуллик қилиб турди.

Тўдабоши Ҳаёни чақирди. Сўнг ўз тилида нимадир деди.

Ҳаё аёлларнинг ёнига келиб: «ҳаммамиз намоз ўқир эканмиз. Хўжайин шундай деяпти», – деди.

– Ҳозиргина бегона аёллар билан зино қилиб, энди бизга намоз ўқитмоқчими? – деди Тозагул асаби бузилиб.

– Олдин улар ҳар биримизни никоҳига олиши керак. Сўнг билганларини қилсан эди. Уларнинг бу ишлари мусулмончиликка зид, – деди аёллардан яна бири.

Аёлларнинг норозилигини сезган қария кутилмаганда дараҳт тепасига қараб автоматнинг тепкисини босди. Ерга уч-тўрт күшнинг ўлиги таниллаб тушди. Сўнг у Ҳаёни ёнига чакири.

— Буйруғимизга бўйсунмаган аёлнинг бошига ана шу қушларнинг куни тушиши мумкин, — деди-да ўлиб ётган қушларнинг бирини аёллар томонга қараб тениб юборди. Кўп ўтмай аёллар ҳам намоз ўқишга кириди.

* * *

Тонгга яқин отлар эгарланди. Ҳар бир отга биттадан аёл миндирилди. Сўнг аёлларнинг кўзларини боғлашди. Улар от устидан йикилиб кетмаслиги учун арқон билан эгарга маҳкам боғлаб қўйилди. Аёлларнинг биронтаси уларнинг бу ишларига қаршилик қилишмади. Кўп ўтмай, кора от минган қария тоғли сўқмоқ томон йўл бошлади. Қолган отлиқлар унинг ортидан аста-секин юриб, тоғ йўлидан юқорига қўтарила бошлашди. Отлар бу тоғ йўлларидан юравериб ўрганиб қолган шекилли бир-бирининг орқасидан юра бошлади. Улар шу зайлда тўрт-беш соат юришгач, тоғнинг энг юкори жойига қўтарилишди. Сўнг пастга қараб юришди. Кейин катта текисликка дуч келишди. Отлар тўхтатилди. Аёлларни отлар устидан ечиб олишди. Сўнг аёлларнинг кўзларини ечишди.

Ям-яшил дарада лойдан қурилган уйлар кўплаб палаткалар ёнида елкаларига автомат ташлаб олган эркаклар ва аёллар машқ бажаришарди.

Тозагул қаерга келиб қолганини англаб етди. Бу ер Басика айтган Илондара эди. Террористларни тайёрлайдиган лагерь.

Кария аёлларни лойдан қурилган уй томон бошлаб борди. Күн ўтмай уйдан бир хижобли аёл чикиб келди. Аёлларни бирма-бир санаң уйга олиб кирди. Кария ҳалиги аёлга Ҳәёни танишириди. У бироздан сўнг аёлларга нималардир деди. Ҳаё таржима қилди.

«Сизлар улуғ ишига бел боғлаган мусулмон аёлсизлар! Жиход ҳар бир мусулмон аёл учун муқаддас вазифадир. Уни бажариш баҳт. Аллоҳнинг олдига ёруғ юз билан борасизлар. Сизлар жаннатга киргувчи аёлларсиз. Сизларнинг йўлларингиз ҳақ йўл. Аллоҳу акбар».

— Бугун дам оламиз. Эртага эса автоматда қандай отишни ва ўзимизни қандай портлатиб юборишини ўрганамиз. Бир сўз билан айтганда, ҳақ ўйлига ўзимизни бағишилаймиз. Мехмонхонада берилган китобларни қайта-қайта ўқинг. Кечкурун янги дисклар беришади. Ҳаммамиз биргаликда кўрамиз, — деди Ҳаё.

Ҳалиги шу ерлик аёл яна қайтиб келди.

— Ҳаё уч кундан сўнг Амир Тўрахон генерал аёлларни кўргани келади. Очиқ юз билан кутиб олишсин, — деди.

Амир Тўрахон Илондарарада жангарилар тайёрлаб берадиган лагернинг бошлиғи. Шу ерда туриб террористларни тайёрлайди. Айрим давлатлардаги гумашталари уни узлуксиз катта маблағ билан таъминлаб туради. У ана шу маблағнинг эвазига террористларни тайёрлаб беради. Бундан ташқари, бу ерларда ўнлаб гектар ерга кўкнори эктиради. Героин тай-

ёрлайдиган заводи ҳам бор. У хеч қачон ўзи ишлаб чиқсан «махсулот»ни татиб кўрмаган. Шу боис ёни олтмишдан оинган бўлса-да, соғлом ва бақувват. Гўзал аёллар унинг жони дили. Шунинг учун янги «атиргул»лар ичидан ўзига мосини топиш дардида бу «хужра»га танириф буюрмоқчи.

Янги келган «мехмон»ларни шу ерлик ишончли жангарилар кўриклидиган бўлди. Жангарилар аёлларга кун бўйи автоматда отишни, кўл жангини ва ўзини ўзи қандай портлатишни ўргатади. Кечга яқин аёлларга дам берилади. Эркаклар билан гапланиши хуқуки фақат Ҳаёга берилган. Боника аёлларнинг эркаклар билан гапланиши тақиқланган.

Ўша куни кечкурун Амир Тўрахон Ҳаёни никоҳига олди. Орадан уч кун ўтгач, Ҳаё аёллар яшаетган уйга яна қайтиб келди. Кўпни кўрган бу аёлнинг ёши бироз ўтган бўлса-да, ёшликтаги гўзаллиги унинг чеҳрасини тарқ этмаганди. Лўппи юзи, чакмоқ кўзлари ёниб туради.

Амир учинчи тун унга бриллиант кўзли тилла узук совға қилди. Сўнг Ҳаё «ўлгунча Амирга хизмат қиласман», деб қасам ичди.

* * *

Тун ярмидан оққан бўлса-да, Тозагулнинг уйқиси келмади. Уйнинг бурчагида ётган Ҳаё жойидан турди. Аста эшикни очиб ташқарига чиқди. Тозагулнинг уйғоқлигини билиб қолгач, кўли билан «жим» ишорасини қилди. Боникалар билиб қолса иши яхши бўлмаслигини биларди. У тонгга яқин қайтиб келди. Эрталаб Тозагулнинг ёнига келиб:

– Тозагул, коровул йигит билан танишдим. Келишган йигит экан. Алдандим дейди у ҳам. Исми Нусрат экан. Эртага ҳам тунда бизни кўриқлар экан. Хоҳласанг ўша йигит билан учрантириб қўяман. Тозагул рози бўлди. Нусрат сўзини эшигтан Тозагулнинг юраги ҳашқириб кетди. Хаёлига укаси келди. Наҳотки, ўша йигит укам бўлса... у ҳам неча йилларки бедарак. Балки у ҳам алданиб, бу ерларга келиб қолдимикин. Телевизорда бундай алданган йигитларни кўп кўрсатади-ку. Ҳеч ким бу ерларга ўз оёғи билан келмаса керак. Хаёлига келган фикрдан ўзи қўркиб кетди. Ҳамқинилоқлари укасини «Чорсу» бозорида арава тортади дейишганди-ку. Эртаси куни гўё Тозагулга қуёшининг ботинни чўзилгандан-чўзилди. Хаёлига келган фикрдан ўзи қўрқа бошлади. «Эй худо, ана шу йигит укам Нусрат бўлмасинда».

Кун бўйи манқлардан чарчаган аёллар одатдагидан эрта уйкуга кетишли. Ҳонада фақат Ҳаё билан Тозагул уйноқ эди. Ҳаё ташқарига чиқди. Кўп ўтмай, секин эшикни очиб Тозагулга ташқарига «чиқ» ишорасини қилди. Уйдан беш ўн қадам наридаги дарахт тагида автомат ушлаган йигит туради. Ҳаё йигитга қўли билан уйнинг орқа томонига ўт ишорасини қилди. Тун бўлса-да, ойнинг ёруғида одам одамини таниса бўларди. Ҳалиги йигит уйнинг орқа томонига ўтди. Симёночга ўринатилган лампочка хирагина нур сочиб туради. Тозагул ўйлади. Бу Нусрат эмас. Бақувват, соқол кўйган бу йигитни таниб бўлмасди. Йигитнинг устидаги кийим қоп-кора эди. Бошида спортчилар киядиган кора қалинқ. Улар бир-бирига қараб юришди. Тозагул йи-

гитни танимади. Йигит бир қадам олдинга юрди-да, «Она-жон», дея Тозагулни бағрига босди. Тозагул ҳайкалдек қотиб қолди. Бироздан сүнг ўзига келди. Бу Нусрат эканини унинг овозидан таниди. Иккови ҳам бир-бирини бағрига босганча йиғларди.

Улар фақат қишлоғини, қариндош-уругларини эслашди.

— Нусрат жойингга бор. Сен Тозагул уйга кир. Бу ердагилар билиб қолишиша ҳеч биримизни омон қўйишмайди, — деди Ҳаё.

Орадан икки кун ўтгач, Тозагул тунда укаси Нусрат билан яна учрашиди.

— Опа, бу ерлардан кочиб кетиб бўлмайди. Даранинг ҳамма жойи миналашибирилган. Қайси сўқмоқ қаерга олиб боришини кўпчилик билмайди. Ҳар хафтанинг якшанба куни тунда битта вертолёт озиқ-овқат, қурол-яроғ, ўқ-дори олиб келади, — деди Нусрат.

Тозагул индамади.

— Опа, тоғни кўраяпсизми? Қорли тоғлардан тушаётган сувлар Амударёга қўшилади. Дарёнинг у томони Ўзбекистон. У ерларда бахтли одамлар яшайди. Бу ерларда эса ҳаёт бошқача.

Тозагул Нусратга тутун чиқаётган лойдан қурилган каттагина бинони кўрсатиб:

— Анави бино заводми? — сўради, қувурларидан тутун чиқаётган бинони кўрсатиб.

— Ҳа, завод.

— У ерда фақат героин ишлаб чиқарилади. Биласизми, дунёда сотиладиган гиёхванд моддаларнинг катта қисми шу ерларда тайёрланади.

- Ҳа, газетада ўқиганман.
 - Опа, мана бу қорли тоғни кўраяпсизми? – деди Нусрат ой шуъласи тушиб турган тоғни кўрсатиб.
 - Кўраянман. Ҳадемай у ерларга ҳам баҳор қайтади. У ерлар бизнинг юртимиз.
 - Ҳа. Кеч бўлса-да барибир баҳор қайтади.
 - Қини совуғи қанча қаҳрли бўлмасин баҳор уни эгади. Баҳор ҳеч қаҷон кор кўйнида ухламайди. Баҳор қайтади. Одам ҳам баҳор каби ўз ҳақи учун, ўз баҳти учун курашади.
 - Нусрат, нимани орзу қиласан?
 - Ўз қишиловимда ўлишни, одамлар мени оқ кафанга ўраб кўминини истайман. Бироздан сўнг яна гап бошлади. Бадбўй ҳидни сезаяпсизми?
 - Ҳа, жуда ёмон ҳид экан.
 - Баланд тепаликни кўраяпсизми? Унинг орқасида чуқур жарлик бор. Кимки Амирнинг измига бўйсунмаса, ўша ерга олиб бориб отиб ташлайди. Одамларнинг мурдашарини тунда бўрилар, кундуз қарғалар ейишади.
 - Нусрат, сен ўлимни ўйлама. Аллоҳ насиб қилса, Кўқстовга борамиз. Кўксувнинг сувидан тўйиб-тўйиб ичамиз. Сен уйланасан. Болаларингни етаклаб Кўкбулоқقا олиб борасан.
- Бир ниятим бор, опа. Кўқтовдан икки-уч чақирим паридаги Катта қирнинг ёнида баланд жой бор. У ердан қишилок кўриниб туради. Унинг ёнида Кўрбулоқ бор. Ўлоқнинг кўзи ёпилиб қолган. Ўлмай қишилокқа борсам

унинг кўзини очаман. Ана шу ерда бое яратаман. Сўнг Рустам муаллимнинг қизи Раънога уйланаман.

– Ниятингга ет.

* * *

– Эртага генерал Амир Тўрахон бизни кўргани келаркан. Ҳамма чиройли бўлиб, қошлирига қалам, кўзларига сурма суртиб, хўжайинни яхши кайфиятда кутиб олиши керак, – деди Ҳаё аёлларга.

Тонгда аёллар яшайдиган уйга Амир генерал келди. Аёлларни кўрди.

– Сизлар динимиз равнақига ҳисса қўшаётган аёлларсиз. Сиз билан мусулмон олами фахрланади. Бир нафар кофирни ўлдирган аёл жаннати бўлади. Аллоҳ насиб қилса, Сизлар жаннатга кирасизлар. Жаннати аёл бўласизлар. Бунинг учун ўзларингизни жиход қилишингиз керак. Аллоҳ сизларга ёр бўлсин, – деди.

Генерал Тозагулнинг ёнига келиб тўхтади.

– Исмингни айт-чи, қизалогим, – деди.

– Тозагул.

Ҳаёдан Тозагул исмининг маъносини сўради. Сўнг унга қараб кулиб кўйди. Генерал чиқиб кетаётib, Ҳаёнинг қулогига нимадир дея шивирлади. – Яна уч кундан сўнг Тозагулни ўз никоҳимга оламан, – деганди генерал. Атрофдагилар эса ҳеч нарса илғамади.

Ҳаё бўлган воқеани ўша тундаёқ Нусратга айтди. Генерал олиб келинган аёлларнинг чиройлисини олдин ўз никоҳига олиб, бир ҳафтадан сўнг, энг содик гумашталари-

га никохлаб берарди. Нусрат ўзи билан бу ерларга адашиб келиб қолган қўшни қишлоқлик «Қобил автомат»га бўлган воқеани айтиб берди. Сўнг агар опасига генерал тегинадиган бўлса, уни ўзи отиб ташлашини айтди. Лагерда Қобилни «Қобил автомат» дейишади. У лагердаги мужоҳидларга хар куни эрталаб автомат ва ўқдори тарқатарди.

Кечга яқин «Қобил автомат» Нусратни генералнинг ёнига олиб кирди. – Яқинда бу ерга келган аёллар орасида менинг опам бор экан. Уни сиз ўз никоҳингизга олмоқчи экансиз. Бу ишни қилмаслигинги илтимос қиласан. Сизга садоқат билан хизмат қилаяпман-ку.

– Сени яхши биламан. Мард йигитсан, – деди генерал унга караб. Шу кунгача менга хиёнат қилмадинг. Илтимосинг эса ерда қолмайди. Менинг ҳам сенга илтимосим бор. Яна уч кундан сўнг тунда қора вертолёт келади. Ўн нафар аёлни олиб айтилган манзилга учасан. Сени одамларимиз сахрова кутиб олади. Бир хафтадан сўнг катта шаҳарларнинг бирида кундуз соат 10.00 да намойиш бошланади. Ана шу намойинча ўн нафар аёл оломон орасига кириб ўзларини портлатиб юбориши керак. Бу операцияга сен боинчилик қиласан. У ерда сенга ёрдам берадиган одамлар бор. Сизларни кутиб олади. Мехмонхонага жойлади. Ейин-ичишдан ва бошқа масалалардан муаммо бўлмайди. Операция кўнгилдагидек бўлса, сенга катта мукофот бор. Синглингни йўлини топиб Ўзбекистонга жўнатиб юбораман. Шартномага розимисан. Сен шу ерда қоласан. Юртингга борсанг сени отиб ташлашади – Ватан хоини деб.

– Шартингизга розиман.

– Унда қасам ич.

– Қасам ичаманки, Сизга хиёнат қилмайман.

Генералнинг қабулидан чиққан Нусрат бўлган воқеани «Қобил автомат»га айтиб берди.

– Бу ҳаёт жонга тегди. Мен ҳам сен билан кетаман. Борган жойимиздан юртга қайтишга ҳаракат қиласми. Ўлигимиз қарғаларга ем бўлгунча, ўз юртимизда қамоқда ўлганимиз яхши. Кечак тунда «жиходга бормаймиз. Бегуноҳ одамларни ўлдирмаймиз» деган беш нафар аёл билан уч нафар эркакни тепалик ортига олиб бориб отиб ташланди, – деди «Қобил автомат».

– Тунда ўқ овозини эшитдим. Биргаликда ҳаракат қилсак, албатта, юртга қайтамиз, – деди Нусрат.

– Террорчи гурухларнинг ҳаммасини долларга сотиб олса бўлади. Уларнинг ватани ўйқ. Эътиқоди ҳам, ватани ҳам «кўки». Фақат бунинг учун бизга катта маблағ керак. Доллар осмондан тушмайди. Уни кўлга киритиш учун ё ўлим, ё ҳаёт деб ишга киришиш керак. Мана бу Америкада ишлаб чиқилган тўппонча, – деди «Қобил автомат». – Отганингда овоз чиқмайди. Ўн иккита ўқи бор. Вертолёт келишидан бир соат олдин ғазнахонага борасан. Мен ҳам бир пайтлар ўша ғазнахона постида турганман. Ҳозир у ерда икки нафар қуролланган коровул туради. Биринчи эшикни ҳабаш йигит қўриқлади. Ғазнахонанинг калитини бўйнида тақиб юради. Генералнинг ишончли одами. Биринчи уни «тинчтасан». Калитни олиб ичкарига кирасан. Иккинчи эшикнинг ёнида яна бир йигит туради. Унга «Амир генерал юборди», – дейсан. У сендан парол сўрайди. Сен мана бу

олтин тангани кўрсатасан. Олтин тангада генералнинг сурати туширилган. У тангани қўраётганда юрагидан отасан. Кейин калит билан темир эшикни очасан. Сўнг шошимасдан темир эшикнинг ёнидаги узун темирни олиб сумкаларнинг энг каттасини ташқарига тортиб чиқасан. Ёнингда гугурт бўлсин. Ичкарига кира кўрма. Чунки ҳар бир сумканинг устида иккитадан кўз ойнакли заҳарли илон ётган бўлади. Охтиёт бўлишинг керак. Акс ҳолда...

- Ганинг эртакка ўхшайди-я, – деди кулиб Нусрат.
- Бу ердаги ҳастнинг ўзи эртак-ку.

Нусрат «Кобил автомат» айтган ишларни вертолёт келинидан ярим соат олдин уddeлади. Тун ярмида қора вертолёт осмонда пайдо бўлди. Ерга қўниши биланоқ «Кобил автомат» аёлларни вертолётга чиқарди. Уларнинг орасида Тозагул ҳам бор эди. Кўп ўтмай Нусрат бир елкасида зилзимбили сумка, иккинчи елкасида автомат билан вертолётнинг орка ўринидигига жойлашиб олди.

Хадеганда вертолёт ердан кўтарилавермади. Нусратни яса вахима боса бошлади. Агар Амирнинг одамлари унинг хониги ишини билиб қолса уни ҳам, опасини ҳам тирик қўйимаслиги аниқ. У сумкани очди-да, икки пачка долларни олиб учувчиларга берди.

- Амирнинг сизларга совфаси, факат тезроқ учишимииз керак. У ерда одамларимиз кутиб турибди, – деди.

Кўп ўтмай, вертолёт ердан кўтарилиди.

Чамаси бир ярим икки соатлардан сўнг вертолёт саҳронинг ўргасига келиб кўнди. Тонг отаётган бўлса-да, ташқарида иссиқнинг тафти қайтмаган. Кун бўйи қуёш жазирамасида

қизиган күм барханлари тандирдек қизиб ётиди. Нафас олиш жуда оғир. Вертолёттинг эшиги очилиб, унинг ичидаги одамлар туши бошлади. Юз-юз әллик метрлар нарида түрттә «Жип» автомашинаси турарди. Уларнинг ёнида түрт нафар автомат ушлаган йигитлар «мехмон»ларни кутиб олди.

Күп ўтмай вертолёт осмонга күтарили.

— Биз Амир генералнинг одамларимиз. Айтилган аёлларни олиб келдик, — деди «Қобил автомат».

— Аёлларга айт, маниналарга чиқсан. Шусиз хам сизларни анча қутдик. Ҳали күп юринимиз керак, — деди соқолли йигит.

— Ҳаё ёнимга кел. Мен айтган сўзларни бошлигига таржими қил. Айт, шартимиз бор, — деди Нусрат.

Ҳаё Нусратнинг сўзларини таржима қилди.

— Қандай шарт экан, билсак бўладими? — сўради ҳалиги йигитлар бошлиғи.

— Бизларни Дубайга олиб бориб қўйсаларинг.

— Сен нима деб алжираяссан? Сизларни қўйиб юборолмайман. Генерал бизни отиб ташлайди-ку. Қолаверса, аёллар учун Амирга катта маблағ берилган. Хўш, унда сизларни ниманинг эвазига қўйиб юбораман.

— Биз ҳар бир аёл учун 25 минг АҚШ долларидан тўлаймиз.

— Мен ҳозир тўда билан маслаҳатланиб сенга айтаман. Улар нима деса шу.

Бирордан сўнг ўша афғон йигити Ҳаёга қараб:

— Таржима қил. Дўстларим 25 минг доллар кам, ҳар бир аёл учун 100 мингдан, беришса келинганимиз деянити, — деди.

- Биз рози. Долларнинг ярмини ҳозир берамиз, қолганини Дубайда оласизлар, - деди Нусрат.

- Йўқ. Ҳаммасини ҳозир берсаларинг, Дубайгача олиб борамиз. Бизнинг ҳам шартимиз бор. Ҳайдовчига қайтаётганда 100 минг АҚШ доллари берасизлар. Йўл ҳақи учун.

Улар келишишди. Нусрат сумкадан келишилган долларни тўдабошига берди. Ҳозирча уч кишига.

- Ҳаё аёлларга айт. Ким биз билан кетади? Олиб кетамиз. Ҳақини биз тўлаймиз, - деди «Қобил автомат».

- Аёлларнинг ҳаммаси жиходга тайёр. Мен эса сизлар билан бирга кетолмайман. Генералнинг никохидаман. Агар қочсам, унинг одамлари мени топиб олади.

Хижобдаги аёллар орасидан биттаси отилиб чиқиб, Нусратнинг оёғи тагига ўзини ташлади.

- Акажон, мени юртга олиб кетинг. Уйда эмизикли болам қолган. Ақидапарастларнинг гапларига ишониб шу кўйларга тушдим. Бегуноҳ одамларни ўлдиришга бормайман. Бу кунимдан ўлганим яхши. Агар ўзингиз билан олиб кетмасангиз шу ернинг ўзида отиб ташланг.

- Майли, шу аёлни олиб кет. Унинг исми Раъно. Уч нафар фарзанди бор экан. Қолганлар учун орқага йўл йўқ. Улар ўзларини жиходга багишлаган. Уч кундан сўнг катта намойинша ўзларини портлатиб юбориниади, - деди Ҳаё.

Тўда бошлиги Раъно учун 100 минг АҚШ долларини санаб олди. Сўнг у Ҳаёни ёнига чақириб, нимадир деди. Кўн ўтмай, Ҳаё Нусратнинг ёнига келди.

— Машина миналаштирилган экан. Агар хайдовчини «хафа» қилиб ваъда қилинганд 100 минг АҚШ долларини бермасаларинг Дубайга етмасдан у ҳаммангни портлатиб юбораркан. Унинг қўлида тугмачали асбоб бор экан, — деди.

Кўп ўтмай «Жин»лар қумликлар оралаб икки томон жўнаб кетишди.

* * *

... Эркин Россиядан қайтди. Салкам беш йил деганда ярим тунда қишлоққа келди. Ҳовли дарвозасини кетма-кет тақиллатди. Ҳеч ким чиқмади. Ҳайҳотдек ҳовлида миллиллаган чироқ кўринмасди. Бироз туриб дарвозани яна тақиллатди. Ҳеч ким дарак бермагач, қўшниси Акбар аканинг дарвозасини урди. Кўп ўтмай итнинг хургани эшитилди. Кейин «Ким бу. Ярим кечаси юрган», деган овоз эшитилди. Бу Акбар ака эди.

У дарвозани очиб турган жойида ҳайкалдек қотиб қолди.

— Эҳ, Эркин ўзингмисан? Қаерларда юрибсан? — деди ўзига келгач Акбар ака.

Сўнг Эркинни ҳовлидаги супага таклиф қилди. Очик деразадан уйнинг ичкарисига бош сукиб:

— Хотин тур. Эркин келди, — деди ҳаяжонини яшира олмай Акбар ака.

Ҳол-аҳвол сўрашгач, Эркин уйдагилардан сўз очди.

— Сен ҳам бедарак кетдинг, ука. Қишлоқдагилар Эркин ҳам Россияда ўлиб кетган бўлса керак, деб юрарди.

Бир йил олдин аканг Ҳикмат қазо қилди. Ўзинг билардинг кўп ичарди раҳматли. У ўлгач, келин ҳам кетиб қолди. Туман марказида Рўзи фермер деган одам бор эди. Унга тегибди. Бояқишининг икки йил олдин аёли қазо қилганди.

— Тозагул билан Шерзод қаерда? — сўради Эркин ҳадик аралаш.

— Ўғлинг Шерзодбек Карим бобоникида, Хосият камнир қарайти. Ўғлинг катта йигит бўлиб қолган. Ҳар куни ёрталаб кўчамиздан слкасига нақасини осиб олиб мактабга ўтиб кетади.

— Тозагул-чи?

— Аёлингга бир йил олдин Карим бобонг жаноза очди. «Туман марказига кетиб қайтиб келмади», — деди Хосият камнир. Бирорлар хотинингни машина уриб кетган деса, яна бирорлар ўзини катта каналга ташлаган дейишади. Ҳеч ким бу воқеаларни кўрмаган. Ўзинг биласан, қишлоқда мини-мишлар бургадек болалайди. Хуллас, у ҳам бедарак. На ўлиги бор, на тириги.

* * *

Ўзингга нима бўлди? Қишлоқдан кетганингга беш йиллар бўлдиёв. Дараксизсан? Ҳозир гугурт кутидай «телефон» чиқкан. Одамлар Россия тугул, нариги дунё билан гаплашади. Кеча Кўзибойникига кирсам, Америкада ишлайдиган ўғли билан гаплашяпти. Кампиртур (компьютер демоқчи) унинг ичига боласи ўтириб олган. У отасини, отаси боласини кўриб турар эмиш. Қишлоқдаги бироримизга, менгами ёки кампиримга телпон қиссанг бўларди-ку. Ох, нодон бола.

— Иложи бўлмади-да, — дея Эркин кўзига ёш олди.
— Нега?
— Акбар ака, бошимга тушган балоларни гапирсан дос-
тон бўлади. Бир рус бойининг уйида қурилиш қилаётган
эдик. Ёнимиздаги ҳовлида бир кампир яшарди. Ўғиллари
чет элда ишлаб онасига нул жўнатиб тураркан. Унинг
қўшини посёлкада яшайдиган қизининг ўғли келиб тун-
да кампирни ўлимликка йиқкан нулларини олиб ўзини
ўлдириб кетибди. Нашаванд экан. Милициядагилар «Кам-
пирни сизлар ўлдиргансиз», — дея бизларни камаб кўйди.
Жиноят фош бўлгунча, салкам олти ой қамоқхонада ётдик.
У ердан чиққач, хатто Тозагулга ҳам телефон қилинга
юзим чидамади. Кейин заводда ишлаб 4–5 сўм тондим.

* * *

...Самолёт борти бекасининг овози янгради. «Лайн-
стимизнинг ҳурматли меҳмонлари «Дубай – Тошкент» рей-
си бўйича қатнайдиган самолётимиз саноқли дақиқалардан
сўнг Ўзбекистон пойтахти – Тошкентга қўнади. Соат тунги
3.00. Ҳаво ҳарорати +25».

Ана шу самолёт ичida «Қобил автомат», Нусрат ва
унинг опаси Тозагул ҳам бор эди.

* * *

Тозагулни аэропортдан тўғри Тошкентдаги одам сав-
досидан жабрланганларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя
қилиш бўйича Реабилитация марказига олиб келишди. У
срда ўн кун даволаниди. Ўша ерда у бошидан ўтган барча
жабр-ситамларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходим-

ларига ёзиб берди. Кўп ўтмай, кидирувда бўлган Роза Алиевани ҳам қўлга олишди. Аёлларни турли йўллар билан Дубайга жўнатиб турган бу аёл суд ҳукми билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Нусрат билан «Қобил автомат»нинг ўз айбларига икrorлиги ва қилмишларидан пушаймонликлари инобатга олинниб, амнистия акти қўлланиб жазодан озод қилинди.

* * *

Эркин ўғли Шерзод билан ўзининг уйларини таъмирдан чикариб яшай бошлади. Бир куни Карим бобо билан Акбар ака Эркиннинг уйига келиб:


- Қўй сўйиб қинилоқнинг қарияларини чақириб, бир дуо олсак. Марҳумларнинг хурматини жойига қўйиш тирикларнинг вазифаси. Ота-онанг, турмуши ўртоғинг Тозагулнинг, қайнинг Нусратнинг руҳлари шод бўлади, – деди.

Қинилоқ ахли тушиликка Эркиннинг ҳовлисига йиғилишиди. Мусо мулла марҳумлар хақига узундан-узун гиловат қилди. Мехмонларга энди ош тортилаётган эдиямки, ҳовлига оқ рангдаги «Нексия» кириб келди. Унинг орка ўриндиғида Тозагул билан Нусрат бор эди. Кутилмаган меҳмонларнинг ташрифидан ҳамма ҳайрон, ҳамма лол ёди.

* * *

Онасини кўрган Шерзодбек унинг бағрига ўзини отди. «Ойижон, ойижон, қаерларда юрибсиз? Мен Сизни жула жуда соғиндим. Жудаям-жудаям» дерди, – ойисининг юлларида ўпниб. Тозагул ҳеч нарса дея олмасди. Фақат

боласини бағриға босғанча йиғларди. Бу ҳолни күрган Карим бобо билан Хосият момо ҳам йиғлади. Бу севинч ёшлари эди. Бу дийдор ёшлари эди. Маъракага келғанларнинг барчаси йиғлади. «Үлган» одамлар «тирилиб» келса ким ҳам йиғламайди, дейсиз. Бу Аллоҳга шукроналик кўз ёшлари эди.



ОЙСИЗ ОСМОН



ЁЗНИНГ салқин оқшоми, гир-ғир шабада эсянти. Жоннинг роҳати. Саратон иссиғидан мадори қуриган жонзот борки, ором олянти. Бугун Ҳиммат раис одатдагидан эрта уйғонди. Тушига раҳматли кампир Ойсара хола кирибди. «Туринг, чол кун чонигоҳга келди. Ётишингизни каранг. Тўхтамиш қани?», дермини.

Хали тонг отишига анча бор. Кўкда ой сузяни. Юлдузлар ҳам чараклаб турибди. У жойидан секин қўзғалди. Сўридан тушиб, таҳорат қилди. Белидаги оқ қийикча билан юз-қўлини артди. Қайтиб келиб, сўрига чиқиб кампирининг ҳақига дуо қилди.

Эҳ, кампир тушмагур ўша ерда ҳам бизни ўйлайсан-а. Нобакор, эрка ўғлингнинг бетайин қиликлари сенга ҳам тинчлик бермаётган экан-да, ўйлади Ҳиммат раис. Ўғли Тўхтамиш бир ярим йилча олдин қишлоқдаги ёш-яланг билан ишлайман, деб Россияга кетганди. Ҳали-ҳамон домдараксиз. У билан кетганлар қайтиб келган, деб эшитади. Келгандардан суриштириб ҳам ўғли ҳақида бир тайнли гап эшитмади. Ҳар кун ўғлини ўйлайди. Ич-ичидан эзилади. Дардини бировга айтольмайди. Ўзидан ўтгани ўзига маълум. Баъзан ота шўрлик турли хаёлларга боради...

Ховли четидаги ўрик шоҳларида күшларнинг чуғурчугури бошланади. Раис намозни тутатгач, симёочта сан-

чилган ўроқни олиб уйнинг орқа томонига юрди. Якка-михга боғланган Жайран қашқа эгасини кўриб оёқларини ерга уриб-уриб кўйди. Ҳиммат раис ўзича отига гапирди. «Сабр қил, жонивор. Хозир беда олиб келаман».

У беда ўра бошлади. Тонгда ўрилган беданинг хушбўй хиди раиснинг димоғига урилди. Ҳаш-наш дегунча бир қучогини ўриб ташлади. Раис бедани энди кўтармоқчи эди, икки ҳовли наридаги Шақшақ кампир пайдо бўлди. Уйнинг асли исми Нури. Лекин уни ҳеч ким Нури деб чакирмайди. Ҳамма Шақшақ кампир, дейди. У бундан хафа бўлмайди. Ўзи ҳам ўрганиб қолган.

— Ҳорманг, раис. Ҳўроз кичқирмасданоқ ишни бошлаб, қоронги тушгунча тиним билмай, еласиз-югурасиз. Бу дунёнинг иши битармиди?

— Ўзинг биласан, жойимда тинч ётолмайман. Ётсам, бу мол-холларга ким карайди. Келин уй юмушларидан, болаларидан ортмайди.

— Гапингиз тўғри. Тирик одамнинг иши тугармиди. Раис кечаси билан маккапоянгизда кимлардир шивир-шибир қилиб чиқди. Норбой тракторчининг хотини ўлган ўени Ҳамдам кеча намозшомдан кетмонини кўтариб дала-сига сув ҳайдади, шекилли. Сизнинг маккапоянгиз ёнида кўрдим.

— Кундуз куни фермерлардан сув тегмайди. Одамлар тунда томорқасини сувормаса қачон суворади.

Чол уйнинг гапига эътибор бермади.

- Раис, ўғлинг жарак-жарак «кўки»дан юбораётгандир. Ишлари қандай экан?
- Ўтган ҳафта телефонда гаплашдим. Иши яхни экан. Пул ҳам юбораяпти. Яқинда келиб ҳовлини бузиб қайтадан қураман, деди.

Раис Шақшақ кампирга сир бой бермаслик учун ёлғон гапирди. Ўзи ичидан зил кетди.

– Раис эшитдингизми? Асад дўкончининг келини тоғ томондан тушганди. Эри Россияяга кетган эди. У ерда бир малла сочга уйланиб олибди. Икки йилдан сўнг хотинига «Хотин, сени уч талоқ қўйдим», деб қўнгирок қилибди. Хотини ҳам эри Россияяга кетгач, бир шаҳарлик бойваччага иккинчи хотин бўлиб тегиб олган экан. Хотини нима дебди денг, раис.

- Нима дебди?
- Келин қурғур «Мен сени беш талоқ қўйганман», дебди-да.

Раис, дунё бузилди. Гапирсанг гап кўп. Мен мана бунда эшитдим, дейди Шақшақ кампир бўйнига осилган шапалоқдек келадиган радиоприёмникни кўрсатиб. Қайси бир давлатда алламбалолар бўлиб ётибди.

– Шақшақ, сен дунё бузилди, – дейсан. Дунё бузилгани йўқ. Одамлар бузияпти. Бандалар худодан қўрқмай қўйди. Дунёда имонсизлар кўпайяпти. Тушундингми? Яратган буни кўриб турибди. Нега ер қимиrlаяпти. Дунёнинг айрим жойларини нега сув босаяпти? Имонсизларнинг касофатига бегу-

иоҳ одамлар бевақт ўлиб кетаяпти. Худонинг қаҳри келяптида. Сен айтган одамлар билан бир дунёда яшаётганингга ҳам жирканиб кетасан киши. Ўша нобакорларнинг ҳаммаёқни вайрон қилишдан бошқа ишлари йўқми?

– Раис, гапингизда жон бор. Айрим аёлларда ибо-ҳаё қолмади. Кеча ўзимизнинг телевизорда кўрсатди. Бузук аёллар бошқа шаҳарларга бориб «хунар» кўрсатиб келаркан. Пулга. Хуллас, дунё бузилди.

– Бола эдим. Қорасув солланиб-солланиб оқаркан, Шақшақ. Ҳозир ҳам шундай. Каттақирга қара, викор билан турибди. Садағанг кетай, Қоратош бобога қара, салобат кериб турибди. Қишлоғимиз борки, улар бор. Неча асрларки, улар ўз жойида. Бундан кейин ҳам бўлади. Ҳамма нарса жойида. Дунё бузилмади. Одамлар бузилди. Ҳамма замонда ҳам имонсизлар бўлган.

– Сиз раис бўлганингизда ҳам беҳаёлар бўлганми, – деди шимагадир шама қилиб Шақшақ кампир.

– Ҳамма замонда имонсизлар бўлган. Яна айтаман. Лекин мен раис бўлганимда аёл зотига ёмон кўз билан қарамаганман. Керак бўлса қасам ичаман.

– Раис, сал ошириб юбормадингизми? Аёллар масаласида йигитчилик итчилик, деган гап бор. Ёшлиқда конингиз қайнамаганми?

– Сен Шақшақ ёшлигингда кўп «ўйин»лар қилгансан эсингдами? Ҳаммани ўзимдек, деб ўйлайсан-да, эринг Рўзикул урушга кетгандан сўнг райком секретари Носир Мансурович билан...

- Эрим Рўзикулдан қорахат келгандан сўнг у билан...
- Унгача сен эл оғизга тушиб бўлгандинг. Кўхликкина аёл эдинг. Ўз жамолингдан ўзинг фойдаландинг-да.
- Носир Мансурович, укам Асадқулни урушга жўнатаман, деб қўрқитганидан сўнг унинг шартига рози бўлиб райкомга иккинчи хотин бўлганман.
- Шақшак, сен хотин эмас, ундан олдин райкомга ўйнаш бўлгансан. Элда бир мақол бор. Сен буни қўп эшигтгансан. Фунажин кўзини сузмаса, буқа ишини узмайди, деган. Энди қишлоқ аёлларига ибо, одоб ҳакида насиҳат қиласар эмишсан.

Шақшак кампир индамади.

Рўзикул раиснинг қалин дўсти эди.

Уруши тугагандан сўнг икки йил ўтгач, Рўзикул соғомон қишлоққа қайтиб келди. Не кўз билан кўрсинки, хотини Нури (Шақшак кампир) райком секретарига иккинчи хотин бўлиб, икки болалик бўлганди. Раис буни кечагидек эслайди.

— Ана шунда бу кунларни кўрганча, немиснинг бир дайди ўки тегиб ўлиб кетганимда яхши бўларди, — дея йиғлаганди Рўзикул.

Кўп ўтмай Рўзикул қишлоқни ташлаб Тошкентга ўқишга кетди. Курсдоши водийлик бир қизга уйланиб, уйлик-жойлик бўлиб, пойтахтда қолиб кетди. Олим бўлди. Раис шахарга тушса, дўсти Рўзикулни кўрмай қайтмасди.

— Раис, кеча телевизорда дўстингиз Рўзикулни кўрсатди. Кўрдингизми? — деди Шақшак. — Ёши саксон-

ни қоралаётган бўлса ҳам, ўн саккиз ёшли йигитлардек чақмоқдек гапирди-я. Камири эса шафтоли қокига ўхшаб қолибди. У қандайдир эрта пишадиган пахта навини ўйлаб тонибди, шекилли.

- Омади бор йигит экан.
- Унинг бундай катта олим бўлишида менинг ҳам хиссам бор раис.

Химмат раис унинг бу ганига чидай олмай қўлидаги ўроқни бедазорга отиб юборди.

- Шақшақ, сенда на имон бор, на диёнат. Қайси юз билан бу гани гапирдинг. Худодан қўркмайсанми? Ўзингнинг кимлигингни унутдинг шекилли.

- Сизга тўғрисини айтсам, Рўзиқул дўстингиз менга уйланганида шу қишлоқда қолиб кетарди. Нари борса тракторчи, жуда зўр бўлса шонир бўларди. Нима райком унга жойини бўшатиб берармиди. Энди кимсан катта олим. Рўзиқул Султонович. Ҳаммани оғзига қаратиб телевизорда ганирияти. Кўкраги тўла медаллар.

Химмат раис бироздан сўнг ўзини босиб олди.

Шақшақ сен ҳам қаридинг, мен ҳам. Ҳаммамиз бу дунёда меҳмонмиз. Яхшими, ёмонми яшаяпмиз. Чин дунёга кетар пайтимиз яқинлашиб қолди. Ошириб юборган бўлсам, мен қари чолни кечир.

Раис менинг ҳам ёшим ўтиб қолди. Сизни тушунаман. Ҷамирингиз бу дунёдан ўтганига анча бўлди. Болалар ўз кунига. Сизга бир гани айтишга чиқкандим. Лекин бунчак

ликка борасиз, деб сира ўйламагандим. Асабинг нимагадир чатоқ. Билиб күйсангиз ёмон бўлмасди. Кеча туни билан макканоянгиз ичида шивир-шивир гапларни эшилдим. Ким кечаси раиснинг маккасини сувораётган экан, деб ўйладим. Раис қариб қолди. Тўхтамиш Россияяда бўлса, дедим-да. Ёш бўлганимда борми, макканояга кирадим. Бу ҳам етмагандек, кеча тунда чирок бўлмади, дея кинояли кулди Шақшак кампиди.

Раис унинг бу гапларига унча эътибор бермади. Ўрилган бедани отининг олдига олиб келиб ташлади. Сўнг сигирига макка ўриш учун яна уйининг орқа томонига макка экилган жойга йўл олди. Макка ўраётиб бирдан майдон ўртасидаги кўрича билан ёстиққа кўзи тушди-ю, титраб кетди. Хаёлига ёмон фикр ўралашди. Наҳотки, келишим Мунаввар Норбой тракторчининг боласи билан... Унинг юрагига ғулғула тушди. Бу ҳам етмагандек, Шақшак кампирнинг «Кеча тунда шивир-шивир гапларни эшилдим», деган сўзлари ёдига тушди. Кўлидан ўроғи тушиб кетди. Танасини совуқ тер босиб ўтириб қолди. Бироздан сўнг ўзига келди. Раиснинг хўрлиги келди. Йиглаб юборди. Кўзёши юзини ювиб оппок соқолига тушди. Ким эдим, ким бўлдим. Ҳа, нобакор ўғил. Қариган чоғимда эл олдида шарманда бўлдим. Бу дунёда яшашга хаққим қолмади. Бу гап қишлоққа ёйилиб кетса Ҳиммат раис ким, деган одам бўлади.

...Куз охирлаб, далаларда йигим-теримлар тугар-тугамас одатдаги совуқ кунлар бошланади. Одам зоти борки, иссик жой қидиради. Ана шундай кунларда қишлоқларда йигит-

ларнинг гап-у гаштаги бошланади. Кўпкари, тўйлар авжига чиқади. Аёллар гаштакчиларга овқат пишириш билан овора бўлишиади. Шу кунларнинг бирида Тўхтамишнинг қўшини қинилоқдаги синфдоши Рустам сатанг келиб, «Ишлайман», дейдиган йигитларни Россияяга ишга олиб кетаман деб қолди.

Тўхтамиш отасининг гапига қулоқ солмади. Ҳовлидаги гоммишни сотиб қинилоқнинг 4–5 нафар йигитига қўшилиб Рустам сатанг билан Новосибирск томонларга йўл олди. Нинлаш учун. Беш кун, дегандা айтилган маңзилга поездда, йўловчи маниналарда минг бир азобда етиб олиниди. Сўнг вертолётда Рустам сатанг уларни ҳамма томони ўрмон билан қопланган жойга олиб келди. Бу ерларга вертолётдан боинқа бирон-бир транспорт келолмаскан. Ҳамма томон ўрмон. Атроф қалин қор билан қопланганди.

Ўрмоннинг ўртасида 10–15 та вагонда дарахт кесувчилар яшарди. Шахардаги хўжайинлар бу ердагиларга вертолётда озиқ-овқат жўнатиб тураркан. Рустам сатанг Ара немли арман йигитига ҳамқишлоқларининг паспортини берриб, «булар менинг ҳамқишлоқларим. Хафа килма. Яхии одамлар. Ҳақини ўз вақтида бер», деб ўзи эса вертолётда шахарга қайтиб кетди.

Сибирнинг қаҳратон совуғида ўрмонда дарахт кесишнинг ўзи бўлмайди. Совук эса гўё чаёндек чақади. Бу ернинг 1,5 нафар раҳбари кун бўйи вагонда ароқхўрлик килишар, шинчилар эса ўрмонда дарахт кесишарди. Баъзиларнинг айтишнича, илгари бу жойларда маҳбуслар ишлаган экан.

— Бу ердан шаҳаргача 100–120 чақирим. Кетаман, деб ўйламанглар. Йўлда оч бўриларга сим бўласиз, — дея огоҳлантирди Ара. — Яхши ишлаб, режани бажармасаларинг нафақат маош, балки кундалик егулик овқатдан ҳам маҳрум бўласанлар, — деди.

Йигитлар тақдирига тан берди. Осмон баланд, ер қаттиқ. Улар ҳамқишилоғи Рустам сатангни сўкишидан нарига ўтишмади. Начора...

Янги йил арафасида осмонда яна ўша вертолёт пайдо бўлди. Ишчиларга маош тарқатилди. Сўнг вагонларда янги йил байрами бошланиб кетди. Аранинг кайфияти яхшилигидан фойдаланган Тўхтамиш унинг кўйнинг қўл солиб кўрди. Ташқарига чиқинг, сизга гап бор, — деди.

— Ана шу вертолётда шаҳарга Рустам аканинг уйига бориб келсак, — деди Тўхтамиш. — Паспортимизни берсангиз?

Ташқарига чиққач, Арага чўнтағидаги бриллиант кўзли узукни кўрсатди.

— Беш минг «кўки»га сўрашганда бермаганман. Гаровга шуни қолдираман. Яна бир ойлик маoshимиз бор. Бир ҳафтадан сўнг қайтамиз. Ана шу вертолётда, — деди.

— Ўлмай қишлоққа борсак, ҳар биримиз сенга ана шундай узук олиб берамиз дейишди Тўхтамишининг ҳамқишилоқлари қувониб. Лекин улар бир нарсани билардики, бу ерлардан тирик қайтмайди. Узукни олган Ара Тўхтамишининг шартига рози бўлди.

...Вертолёт «Михайловка» иосёлкасининг поезд йўлига яқин жойдаги текисликка кўнди. Йигитлар не кўз билан кўрсипки, поезд ёнига «Тошкент – Новосибирск», деб ёзиб кўйилган. Поезд Тошкентга кетаётган экан. Вертолётнинг ёниги очилиши биланоқ Тўхтамишининг ҳамқишлоқлари юргурганича поезд томонга чопинди.

– Арапинг айтишича, ҳар биринг 50 АҚШ долларидан йўл ҳақи тўлашиларинг керак. Қаерга кетаяпсан, – деди учувчиларининг ёнроғи Тўхтамишининг елкасидан маҳкам ушлаб.

– Биздан Ара йўл ҳақини олган, – деди Тўхтамиш.

Лекин ёш учувчи Тўхтамишни кўйиб юбормади. Унинг чўнгагига қўлинни тиқиб 100 АҚШ долларини олиб қўйди.

Поезд аллақачон жойидан силжиганди. Тўхтамиш юргурса ҳам энди поездга етолмасди. Тақдирга тан берди. Кўп ўтмай поезд ўрмон бағрига сингиб кетди. Узоқ-узоқлардан унинг тақа-тук овози элас-элас эшитиларди.

– Тошкентданмисан, сўради кексароқ учувчи.

– Ҳа.

– Мен ҳам Тошкентда Эски шаҳарда уч йил яшаганман. Ҳарбий учувчи эдим. 20 йил бурун бу ерга кампирим билан келганмиз. Тошкент файзли шаҳар. Ҳозир ҳам Тошкентда эрталаб текинга ош бериладими?

– Ҳа. Кечкурунлари ресторанларимизда текин зиёфат беринади. Тўйларда.

– Дунёнинг кўп давлатларида бўлганман. Аммо сизлардек сахий халқни кўрмадим. Ўзи емайди, ичмайди. Пул тонса тўй қиласди. Ўзбеклардан қарзим кўп. Улар мени кўп бора меҳмон қилишган. Бағрикенг халқ. Узоқ қишлоқларга борсанг, хурматинг учун улар оёғинг тагига қўй сўйиншиди. Эшитаяпсаними, – деди баланд овозда ҳамрохига юзланиб.

– Унда Тошкент жанинат эканда, – деди Тўхтамишдан 100 АҚШ долларини тортиб олган ёш учувчи.

– Менинг ҳамшиҳримдан тортиб олган нарсани қайтар. Меҳмон экан. Уят бўлади, – деди-да ҳамроҳидан долларни олиб Тўхтамишиниг чўнтағига тикиб қўйди. – Тошкентга етиб боришга нулинг борми? Бўлмаса, бераман.

– Пулим бор. Раҳмат.

– Борар жойинг бўлмаса, меникига юр. Меҳмон бўласан. Камирим ўзбекларни яхши кўради. Телевизорда Тошкентни кўрсатса, камипирим қурғур кўшни аёлларни эслаб нукул йиғлайди. Эрта баҳорда қўшнилари билан сумалак нишириарди-да.

– Яхшиликларингиз учун раҳмат, дея хайрлашиди Тўхтамиш.

Тўхтамиш поезд станциясига келганида 50–55 ёшлардаги кини атрофни қордан тозаларди.

– Салом, амаки, поезд Тошкентга кетадими? – сўради Тўхтамиш.

– Қаерларда ухлаб юрибсан болам. Поезд Тошкентга жўнаб кетганига бир соатдан опиди-ку. Бизнинг станцияда

поезд бор-йўғи 5 дақиқага тўхтайди. Москвадан келаётган поездга йўл бериш учун «Михайловка»дан ким ҳам Тошкентга борарди, дейсан.

- Тошкентга поезд қачон бўлади.
- Ҳафтанинг якшанба куни. Соат 5.00да.

Тўхтамишнинг қорни очиққанди. Атрофга қаради. Бу станцияда на емакхона, на озиқ-овқат дўкони кўринди. У послека томон юриб кетди. Кўп ўтмай бир қаватли ёчодан қурилган «Гастроном»га дуч келди. Ичкарига кирди. Дўконда 35-40 ёшдаги аёл билан 16-18 ёшлардаги киз алланималар ҳақида баҳслашарди.

– Кизлар яқин атрофда меҳмонхона борми? – сўради Тўхтамиш.

– Қанақа меҳмонхона аёлнинг каттароги қулди. – Постёлкамиз кичкина. Шаҳардаги меҳмонхонага боришинг учун салкам 120 километр юришинг керак. Кеч кирди. У томонтарга энди транспорт бўлмайди. Қайси шаҳардан келдинг?

- Тошкентдан.

Меҳмонхона бўлмаса энди учувчиникига бораман, хаёнидан ўтказди Тўхтамиш. Битта конъяк, колбаса ва ион харид қилди. Ташибарига чиқди. Сибирнинг совуғи илондек чиқаман, дейди. Бир қаватли ёч уйларнинг мўриларидан буралиб-буралиб тутун чиқарди. Хонадонларда бирин-кепин чироқлар ёна бошилади. Кеч кириб қоронғилик чўқди. Сотувчи аёллардан бири дўкон эшигини ёнди. Кўп ўтмай иккинчи аёл дўконнинг орқа томонидан янги «Нексия»ни

хайдаб чиқди. «Нексия»ни кўрган Тўхтамиш қадрдон кишисини кўргандай юраги ҳапқириб кетди. Тўхтамиш ўзича пичирлади. «Ўзимизнинг «Нексия».

– Эй, йигит бери кел. Сенга бу ер Тошкент эмас. Хоҳлаган жойингда ётиб кетадиган. Бу жойларни Сибирь, деб қўйибди. Тунда совуқ – 50–60 даражага чиқади. Сенга айтдик-ку посёлкамизда меҳмонхона йўқ деб. Борар жойинг бўлмаса, эрталабгача тик турган жойингда ўлиб қоласан. Биз билан юр. Бир кечада меҳмонимиз бўласан.

– Раҳмат, – деди Тўхтамиш аёлларнинг мурувватидан лол колиб.

– Раҳматни кейин айтасан. Биз ҳам Тошкентга борганимизда «сен ҳам бизни меҳмон қиласан», – деди ҳазил аралаш аёлларнинг ёши каттарони.

Тўхтамиш «Нексия»нинг орқа ўриндиғига ўтириди. Улар билан йўлда танишиб олди. Онасининг исми Таня, қизининг исми Оля экан. Она қизи билан озиқ-овқат дўконида сотувчилик қиларкан. Кўп ўтмай «Нексия» ёғочдан қурилган бир уйча ёнида тўхтади. Аёллар меҳмонни уйга таклиф қилишиди. Уй иссиқ эди.

– Эрталаб печкага ўтин қалаб, устига бир чеълак кўмир ташлаб ишга кетамиз. Уй совиб қолмасин деймиз-да, – деди Таня.

Тўхтамишнинг ўзи печкага янгидан ўтин қалади. Сўнг ўтин устига озгина керосин қўйди. Ўтин ёна бошлагач, унинг устига бир чеълак кўмир ташлади. Уй янада исиди.

Она билан қиз меҳмон учун дастурхон ясатди. Шу ора-да Тўхтамиш ўзбекча димламани «ясад» ташлади. Базми жаминид бошланди. Ичимликлар таналарни яна қиздирди. Уларда сархушилик сезила бошланди. Кўн ўтмай Оля ўз хонасига кириб кетди. Ташибарида эса Сибирь шамоли унуллайди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Тўхтамиш қишлоғини ҳам унудти. Таия уни шаҳардан дўконига озиқ-овқат маҳсулоти олиб келадиган ингга жойлантириб қўйди. Рус тилида «экспедитор», дейишаркан. Тўхтамиш ҳафтасига йўл мани-насида Новосибирскдан «Михайловка»га озиқ-овқат олиб келарди. Ейишичиндан, шулдан муаммо йўқ. Ингга бормаган кунлари уй эгалари инидан келгунларига қадар овқат шинириб, иечкага ўтин қалаб уйни иссиқ қилиб уларни кутиб оларди. Она билан қизга Тўхтамиш ёкиб қолди. Тай-ср хизматчи. Дам олиш кунлари Тўхтамиш ҳовли четидаги ҳаммомга ўт қалайди. Сўнг ўзининг тили билан айтганда «оқ қўй»нинг гўшитидан шашликми, димламами тайёрлади. Ҳуллас, Олянинг кўнглини олади. Сибирнинг қаҳратон сонугида бундай «юмуш»ларни бажариши Тўхтамиш учун гўё жаннат эди. Кунлар ана шу зайлда ўтаверди. Она не кўз билан кўрсинки, қизи Олянинг қорни қашнайиб колибди. Қизнинг онаси бундан унча хафа бўлмади. Неваралик бўлса ёмонми? Она билан қиз қариса уларни ким бекади. Қолаверса, меросхўр.

* * *

«Кече тунда маккапояигизда одамларнинг шивир-ши-вирини эшитдим», деган кинояли гани раиснинг хаёлидан кетмай қолди. Бу гаплар унинг учун дард устига чинқон бўлди. Ўғлининг бедарак кетгани каммиди. Наҳотки, келиним...

Шу пайт келини уйдан чиқиб, – ота чойингизни дамлаб қўйдим. Қаймоқ ҳам бор. Рухсат берсангиз бугун уйга бориб келсам. Бугун онамнинг қазо қилган куни, шаҳардан акамлар ҳам келишаркан, худойи қилишмоқчи экан. Невараларингизни ҳам олиб кетаяпман.

Раис индамади.

Унинг ўзидан ўтгани ўзига маълум эди. Сўнг ўзига ўзи тасалли берган бўлди. Келинимни қўл билан ушламаган, кўз билан кўрмаган бўлсам. Нега ундан гумонсирайман. Гумон имондан айиради, дейишади-ку. Шақшақ шақиллайверадида ола қарғадек. У ҳаммани ўзидек ўллайди.

* * *

Кўча бошида мотоциклнинг овози эшитилди. Кўп ўтмай у раиснинг ҳовлисига кириб тўхтади. 15–16 ёшли ўспирин мотоциклдан тушиб раисга салом берди.

– Раис бово, бугун пешинга Куйганёрдаги Саримсок бовоникига жанозага ўтаркансиз. Ўғли «қайтиш» килибди. Россиядан олиб келинишибди.

– Бечорага нима қилган экан.

— Ким билади, дейсиз. Бироннинг томини лой сувоқ килаёттганда йиқилиб тушибди, дейишяпти.

Раис юзига фотиҳа тортди. Сўнг пичирлади ўзича «Эй, бола. У юртларга ўз ажалингни излаб борган экансанда. Ишлайман, десанг қишилокда ҳам иш бор-ку. Ким ўз юргида очдан ўлибди. Давлатдан ер сўрасанг, ер берса, пул сўрасанг, пул берса, яна нима керак сенга. Бунчалик ишнукр бўлмасанг. Отанг қилмаган яхниликини шу хукумат қилянти-ку». Хаёли ўғлига кетди. «Болам Тўхтамиш касердасан. Мени тириклай кўйдирдинг-ку», — деди пичирлаб. Сўнг кўзига ёпи олди.

Раис отига минди. Таъзияга бормаса бўлмайди. Тўйнинг ўрини бошқа. Қишилок ўртасидаги Каттақирнинг ёнида беш-ён чоғлиқ уловли кишилар кўринди. Раис отини улар томон ишдамлатди. Қўшни қишилоклардан келаётган қарияларнинг бири отда, бири эшакда, таъзияга борадиган тошбулоқлик чолларни кутиб турарди. Ҳамма йигилди шекилли чоллар йўлга тушишди. Йўл-йўлакай сухбат қизийди. Чолларнинг бири кўпкари ҳақида гапирса, яна бири «Гулчамбар»даги мол бозор ҳақида сўз очишади. Бу мавзулар тугагач, чоллар ёшлигини эслашади. Ҳангоматалаб чоллар беш-олти чиқирим йўлни шу зайлда босиб ўтишади.

Химмат раиснинг бодомзорлик Ахмад қассоб, деган тенгқури бор. Фақат ана шугина раисга ҳадди сиғиб ҳазилланча олади. Раиснинг бошқа тенгқурлари у билан юрак ютиб ҳазилланча олмайди. Баъзан у катта тўю марака-

ларда «раис билан факат мен тужа уриштира оламан», дея мақтанаради. Бугун ҳам раисни күргач, у яна ҳазилини бошлади.

— Ҳиммат раис, камшириң дунёдан ўтганига ҳам 10–15 йил бўлди-ёв. Оқшомлари бир ўзинг ётишга кўркмаянсанми? Сенга бу атрофда бир бева ҳам тонилмади, — деди кулиб у.

— Ахмадбой, кейинги шайтлари оқшомлари кўркиб чиқаянман. Дўстимсан, раҳминг келса биронта кампир тониб бер.

Ахмад қассоб мулзам бўлди. Чоллар соқолларини ушлаганча елкаларини силкитиб-силкитиб кулишди. Аччиқ устида қассоб ҳалдидаи оғимасин, деб чолларнинг ёни улуғи Қудрат мулла икки томонни оддицдан муросага чақирмоқчи бўлади.

Чоллар ҳазил-хузул билан анча йўл босиб кўйишганди. Таъзия бўлган қиплоқда элас-элас овоз эшитила бошлади. Чоллар жимиб, уловларни тезлаштириди.

* * *

...Ховлида тумонот одам. Аёллар дод солиб йиғлайди. Йиги юракларга оғриқ беради. Раис бошлиқ таъзияга келган чолларни ҳовли четидаги сўрига таклиф қилишди. Чоллар юзига фотиха тортиб, мархумнинг қариндошлирага таъзия билдиришди. Раисни бу қиплоқдагиларнинг қўпчилиги яхши билишади. Чунки у раҳбарлик қилган колхозга бу қиплоқ ҳам қаранили эди. Шу боис, раисни бу қиплоқдагилар жуда хурмат қилишарди. Раис уларнинг бирортасининг бурнини ноҳақ қонатмаган.

Мархум ётган уйдан 45–50 ёшлардаги бир киши чиқди. Ювуқчи шекилли хаёлидан ўтказди раис. У қишлоқнинг ёни улуғроқ бир кишисини чақириб қулоғига нималардир, деди. Ўша киши раиснинг ёнига келиб, – Сиз билан Расул муллани сўраяни, – деди. Раис сўридан тушиб мулла Расул билан ювуқчининг ёнига келди. – Йигитнинг кўзи юмилмаяни, – деди у дардли бир оҳангда.

Мулла Расул ювуқчининг кулогига бир нарсалар, деб шивирлади. Раис буни эшилди. – Бу дунёга тўймаганда, боякин. Биз бандалар нима ҳам қиласардик. Аллоҳнинг иродаси. Яхин кўрган қизи бордир-да, дўстлари қизлар билан ёр-ёр айтишин, – деди.

...Бошларига дўпни, эгнига бекасам тўн кийиб, белини кийикча билан боғлаган ўн-ўн беш нафар йигитлар, бошлиларига қизил рўмол ўраган қизлар ёр-ёр айтишиб, мархум ётган уйга киришиди.

**Тогда тойчоқ кишнайди,
От бўлдим, деб ёр-ёр.
Уйда бир қиз йиглайди
Ёт бўлдим, деб ёр-ёр.**

Бу ёр-ёр дунёдаги энг дардли ёр-ёр эди. Йигитлар йиглади. Бўй қизлар йиглади. Раис йиглади. Чоллар йиглади. Гўё ховлидаги бир тўн гужум шохларидаги қушлар ҳам наланонларидан айрилгандек, чирқиллаб йиглади. Бу

дардли ва ситамли ёр-ёр садосидан кўқдаги қуёш ҳам бир жойда қотиб қолгандек эди. Кўп ўтмай тобутни ховлидаги эркаклар елкасига олиши.

* * *

Уч кунки, раис бетоб, ўзига келмайди. Фақат лаблари билан томогининг сувсизликдан қуриб бораётганини сезади. Келини олиб келган чойдан дам-бадам, бир-бир хўилаб кўярди. Ўғали ёдига туписа, дарди яна оғирлашарди.

Қайнотасининг кайфиятини сезган келин сўз очиб қолди. – Ота, бир йилдан ошибдики, ўғлингиздан дарак йўқ. Мен ҳам қон ютаянман. Болаларни қўяверинг. Уйда осмонига қараб ўтиравергандан нима фойда. Ўғлингизни Россияга ишга олиб кетган Рустам сатангни топиш керак.

Қайнота индамади.

Раис туман марказидаги Нигор фолбин, деган аёлни эшитганди. Аслида раис фолбинларнинг ёнига боришни ўзича оғир гуноҳ, деб биларди. Лекин начора. Ўғали бир йилдан ошибдики, бедарак. Эрталабки, намоздан сўнг, зора ўғлим Тўхтамиши ҳақида бирон яхши гап айтса, деган умидда сўраб-суриштириб унинг уйини топиб, бор гапни айтди. Фолбин бир коса сувни ўртага қўйиб, ганира бошлиди.

– Ўғлингизни сувда қўрдим. Ўғлингизнинг жони роҳатда. Сўнг яна қўшиб қўйди. – Ҳозир кўп эркаклар, ишлайман, деб ўзга юртларга кетади. Пул топаман деб уйини, оиласини унутади. Кўшинимиз Нусратбек ўн йил йўқ бўлиб кетди. Яқинда санғиб-санғиб бир сўмсиз уйига кириб келди. Кўп ўйланаверманг.

* * *

...Бу юртларда ҳам қишининг совуғи босилиб, баҳор нафаси сезила бошланди. Бироқ апрель ойи ёёқлаётган бўлса-да, дов-дараҳатлар ҳамон уйқуда. Ана шундай кунларнинг бирида Олянинг кўзи ёриди. Неваранинг бувиси Таня эрта сахардан шаҳарга йўл олди. Дўконда Тўхтамиш. Тугурукхонада Оля.

...Бугун Тўхтамиш одатдагидан эрта турди. Тушига отаси кирибди. У ўлган эмиш. Ҳовлида тумонот одам. Одамлар Тўхтамишни кутаётган экан. Онаси, хотини ва сингиллари отасининг тепасида дод солиб, йиғлаётган эмиш.

Тўхтамиш ўйлади. Онамнинг ўлганига неча йиллар бўлди?

Ўғилнинг қилмишидан она шўрликнинг рухи ҳам бе-зомта эди.

* * *

Толик (Тўхтамишни она-бола шундай, деб чакиради) эртага эрталаб посёлка Советига борамиз. Неварам учун гувоҳнома олишимиз керак. Паспортингни унутма, – деди қайнонаси Таня.

Улар йўл-йўлакай гаплашиб кетишиди.

– Неварамни исмини Саша кўямиз. Қарши эмасмисан, – деди Таня.

– Абдулла, деб қўйсак қандай бўлади?

– Толик жинимисан, қанақа Абдулла, – деди қайнонанинг асаби бузилиб.

Посёлка Совети биносига боргач, «ҳаммасини ўзим ҳал қиласман», деб Танянинг ўзи раиснинг хонасига кириб кетди.

Кўп ўтмай ичкаридан қайнотанинг хафсаласи пир бўлиб чиқди. Гувоҳнома берипшади. Идора мухри йўқ эмиш.

— Толик, ўзинг кириб гаплаш. Сенинг ҳаминахринг экан. Хизмат ҳақини берамиз, дегин. Хўпми?

Тўхтамиш эшикни тақиллатиб ичкарига кирди. Не кўз билан кўрсинки, дўши кийган мёйловли киши дафтарига нималарнидир ёзиб ўтиради. Тўхтамишни кўриши билан унга нешваз чиқди.

— Эй, ҳамشاҳар бормисиз? Сизни кўрганимдан хурсандман? Бошим кўкка етди. Ҳозир кирган қайнотангизми? Неварамга гувоҳнома беринг, деб келибди. Неварангизнинг отасини кўрай, дедим. Сизнинг паспортингизни кўрсатди. Тўғриси, сизни кўриб кувониб кетдим.

— Қайнотам ўғлимнинг исмини Саша кўймоқчи. Мен Абдулла қўяйлик, десам кўнмаяпти.

— Эй, ҳамшаҳар шунга ҳам ота гўри козихонами. Гувоҳномани ўзим ёзаман. Ўғлингизни исмини «Абдуса-ша» кўямиз. Қайнотангиз билан келинимиз Саша, деб чакиради. Сиз эса Абдулла, деб.

Эшик очилиб, бир рус аёл кирди.

— Бу янгангиз бўлади. Биринчиси қишилоқда. Унга ҳам пул юбориб тураман. Бу янгангизнинг аввалги эридан бир кизи бор экан. Ўғлим Машраббек уни яхши кўриб қолса

бўладими. Онасига мен, қизига ўғлим уйланиб олдик. Келним боғча мудираси, ўғлим унга ёрдамчи. Неварадлик бўлганимизда, сиздаги каби бизда ҳам бироз жанжалга ўхшаш нарса бўлган. Улар неварамизга Андрей, деб исм қўймоқчи бўлган. Биз эса Эшонқул, деб. Охири ўзим гувоҳнома ёзганман «Андрей Эшон», деб қойилмисиз.

— Ўғлимнинг гувоҳномасини қачон берасиз? — сўради Тўхтамиш?

— Гувоҳнома бир хафтадан сўнг тайёр бўлади. Янги муҳримизни тайёрлаш учун районга топширганимиз. Эй, ҳамшиҳар йўқ бўлиб кетманг. Ҳа, айтгандай исмимни сизга айтмабман. Исмим Раҳим «Михайлловка»дагилар Рома, дейиниади. Богчанинг бурчагидан чойхона очганман. Мазза қилиб сухбатлашамиз. Хоҳласангиз кўлбола димламани ҳам ўзим ясайман. Хоҳласангиз фарғонача ош, — деб Тўхтамишни эшиккача кузатиб қўйди.

Раҳим жуда тез гапиради. Гёё унинг сухбатдоши бир жойга қочиб кетадигандек.

* * *

Уч ой бўлибдики, Ҳиммат раиснинг ороми бузилган. Шакшақ кампирнинг «Раис кеча туни билан макапоянгизда кимлардир шивир-шивир қилиб чиқди. Раиснинг маккасини кечаси сугораётган ким, деб ўйладим. Маккапояга кирмоқчи ёдим. Қарилик курсин. Боролмадим. Бу ҳам етмагандек, тунда чироқ ҳам ўчиб қолди», деган гани юрагини кемиради. Бу ҳам етмагандек, ўғли Тўхтамишдан дарак йўқ.

На тириги бор, на ўлиги. Ота мен тирикман, деб телефон қилиб қўйса бўлади-ку. Кимга ўхшади бу бетайин. Ҳаром едирмагандим-ку, – ўйлади раис ич-ичидан эзилиб.

Қинволқдагилар ўғлини сўраса, «Ўғлимнинг иши яхши. Пул жўнатиб турибди. Телефонда гаплашиб турибман», дейишдан нарига ўтмайди. Нима қилсан. – Ўғлим бир йилдан буён бедарак, деса қинволқда мини-мин гаплар болаламайдими? Шундан сўнг раис қинволқда ким, деган одам бўлади.

* * *

...Нахта теришга чиққан раиснинг келини Мунаввар бир гап топиб келди.

– Ота, ўғлингиз қўшни қишлоқдаги синфдоши Қодир билан бир жойда ишлаган экан. У ўтган йили қайтиб келибди. Ўғлингиз эса пул топаман, деб ишлаш учун қолибди.

Отанинг юрагида умид учқуни пайдо бўлди. Ҳар қалай, Тўхтамиш тирик экан-ку, мулоҳаза қилди ўзича.

Раис хуфтон намозини ўқиб бўлгач, ўғлининг синфдоши Эсон почтачининг ўғли Қодирникига отланди. У билан сухбатлашди. – Тўхтамиш, уйимга 4–5 сўм пул топиб бораман, деб ўша юртларда қолди, – деди каловланиб Қодир.

– Уни қаердан топсам бўлади. Бир йилдан ошибдики, ундан на хат-хабар бор, на ўзи. Телефон қилиб, ота мен тирикман, деса бўлади-ку, – деди раис асабий бир ҳолда.

Қодир индамади. Уни қишлоқдошлири билан учувчиларга ташлаб қочиб қолганини, ўзлари зўрға поездга улгу-

ришганини айтмади. Тўхтамиш уларни оғир меҳнатдан соғомон қутқарганини айтишига юраги дов бермади. Тўғриси, қўрқди.

— Сизларни Россияга ишга олиб кетган Рустам сатанг каерда? Тирикми? Агар у тирик бўлса, менга топиб бер, унга айтадиган гапим бор.

— Тирик. Яқинда ўн йилга қамалиб кетди. Туманимиздан 50 нафар йигитни Россияга ишга олиб бориб, кимлар гадир сотиб юборган экан.

— Одам мол эмаску, уни хоҳлаган одамга сотиб юборадиган. Одам деганинг ақли бор, фаросати бор. Нега бирорвга сотилади.

— Мен ҳам қаридим. Кампирим тез-тез тушимга кирянти. Дўстинг ўз болаларига эгалик қилин. Хоҳласанг мен билан юр. Дўстингни топишимиш керак. Бориб-келиш харражати менинг ҳисобимдан. У яшаётган жойни кўрсатсанг бўлди. Колганини ўзим ҳал қиласман, деди раис қатъий оҳангда.

— Раис бобо, жон деб борар эдим, онам оғир бетоб. Самарқандда касалхонада ётиби. У томонларга кетиб қолсам. Онам...

— Ахволинг тушунарли, — деди раис жиддий оҳангда.

Кодирнинг баҳона топганига қойил қолиб.

— Унда менга ўғлимнинг манзилини бер.

— У Новосибирск вилояти, Партизан тумани, «Михайловка» посёлкасида қолган эди. Ўша ерга бориб,

Тўхтамишни сўрасангиз ҳамма билади. У ер кичкина жой.
Ўзимизнинг қишлоққа ўшаган.

* * *

Раиснинг ярим кечаси уйқуси учиб кетди. Туну кун ўғли Тўхтамишни ўйларди. Ҳаёлида гўё кимдир ўғлини ўлдириб, Россия ўрмонларига қўмиб юборгандек. У хаёлига келган фикрдан ўзи қўрқиб кетарди. Кўп ўтмай раиснинг хаёлига Нигор фолбиннинг «Ўғлингиз биронта Наташанинг иссик бағрида ётгандир», деган гаплари ёдига тушиб кўнгли бироз таскин топгандек бўлди. Тирик юрган бўлса майли ҳаёлидан ўтказди у. Бугун ҳам ҳар эрта тонгда қиласидан юмушиларини бошлади. Симёғоч санчилган ўрокни олиб терлагунча ҳовлидаги бедани ўрди. Эрта тонгдаги бу ишидан раиснинг ўзи завқ олади. Беда ҳиди, тонгти шудринг. Жиққа терга ботган раис аввал отнинг охурига, сўнг сигирларига ўралган бедадан ташлади. Дастьерга юз қўлини ювиб, одатдагидек ўрик тагидаги сўрига чиқиб чўзилди. Энди кўзи илинган экан қишлоқ чолларининг овозидан уйғониб кетди. Ҳовлига кириб келаётган чолларни қўрган раиснинг сал бўлмаса бошидан хуши уча ёэди. Бирдан танаси музлаб хаёлига яна ўғли келди. «Эй, Яратган ўғлимни ўзинг аспа. Жон керак бўлса меникини ол. Эл ичида шарманда қилма» пичирлади.

— Эй, раис, турсангиз бўлмайдими? Кун чошгоҳ бўлсаям ухлайвераркансизда, — деди тенгдоши Ботир муаллим.

— Тинчликми? Мулла аzon айтмасдан ҳамманг Али аканнинг итидек безовтасизлар, — деди раис кулиб. Ботир муал-

лимнинг ҳазилига қараганда «бағдодда тинчлик», хаёлидан ўтказди раис.

— Тинчлик. Лекин тинчлик бўлиб тинчлик эмас-да. Арслон қассобнинг ёлғизи ўтиб қолибди. Жуда ёш эди-да.

— Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, — дея раис юзига фотиха тортди. Касалмикин сўради у чоллардан.

— Йўқ. Россияга ишга кетган экан. Нима бўлганини хеч ким билмайди. Бизнинг ҳам бу шумхабарни эшитганимизга ярим соат бўлди.

Тезроқ бўл. Ҳар қалай раис номинг бор. Элнинг яхши-ёмон кунида бош-қопи бўлиб турганингта не етсин.

— Мен ҳозир кийимларимни алмантириб олай, — дея раис уйга кириб кетди. Кўп ўтмай оқ кўйлаги устидан қизил кийикча боғлаб ҳақиқий раислардек бўлиб чиқди. Оппок соколли раисга бу кийим янада ярашиб уни салобатлироқ қилиб юборганди. Шу дамда:

— Ота чой дамладим, — деди келини Мунаввар.

Раис индамади.

Чоллар таъзия бўлаётган Арслон қассобнинг ҳовлисига яқинлашганда 10–15 нафар одам хонадонга яқин катта кўчанинг ёнидаги чинор тагида тўпланиб турганини кўришиди. Бу ҳолни кўриб чоллар ҳайрон бўлди. Нега одамлар таъзия бўлаётган ҳовлига кирмай йўл четидаги чинор тагида туришибди. Сўнг улар ҳам одамлар тўпланган жойга бориб кўшилишиди.

Бироздан сўнг чопон кийган бир йигит одамларга караб, — Ана келиниди, — деди. Олдинда кора «Нексия»

автомашинаси унинг ортидан «Дамас» келиб қассобни ҳовлисига кириб тўхтади. Одамлар у томонга қараб юра бошлади. «Дамас»нинг орқа эшиги очилиб, қора тобут ҳовлиниг ўртасига туширилди. Кўп ўтмай аёлларнинг дод солиб йиғлаши бошланди. Қиёмат-қойим бўлди.

Марҳум ўн саккиз ёшли Аҳмаджоннинг онасига олдинига бу шум хабарни ҳеч ким айтмаган шекилли воқеани эшитиб ҳовлидаги тобутни кўриб ҳушидан кетди. Бироздан сўнг қишлоқ врачлари келиб уни ўзига келтиришиди. Ҳушига келгач, у яна дод солиб ўғлининг жасадини кўрсатишни сўраб тобутни қучоқлаб йиғлай бошлади.

– Тобутни очиб бўлмайди, – деди Аҳмаджоннинг тоғаси Бўтабой. – Фойдаси йўқ.

Арслон қассоб Бўтабой ёқасидан олди. – Сен туфайли ёлриз болам Аҳмаджондан айрилдим, – деди.

– Кўлингизни тортинг почча, – деди Бўтабой. Сизнинг ўғлингизнинг қўлидан етаклаб мен уни Россияга олиб кетмаганман. Ёнимга ҳам чақирмаганман. У орқамдан ўз оёғи билан борган.

– Мен сен билан гаплашаман, – деди Арслон қассоб. Сўнг тобутни қучоқлаб йиғлай бошлади.

Бўтабой ҳам ҳовли четидаги тутга бошини қўйиб йиғларди.

Ботир муаллим Бўтабойнинг ёнига келиб: – Опанг тобутни очасанлар деялти, – деди.

– Фойдаси йўқ, – дедим-ку деди йиғидан тўхтаб Бўтабой.

- Тобутни очинглар. Сўнгги бор бир кўрай боламни, – деб она шўрлик дод солди. Тобутни қучоқлаб.
 - Фойдаси йўқ, – дедим-ку – деди Бўтабой яна.
 - Агар ҳозир тобутни очмасаларинг, – деди она сочларини юлиб. – Тунда қабристонга бориб қабрни очаман. Боламни кўраман, – деди тобут тирнайвериб қонга белангани қўлларининг бармоқларини кўрсатиб.
 - Раис айтинг, боламни кўрай. Она раиснинг оёқларини қучоқлаб йиглади.
- Раис қатъий оҳангда буюрди. – Болтани олиб келинглар.
- Бўтабой раиснинг қўлидаги болтага ёпишди.
- Фойдаси йўқ раис. Нотўғри қиласанлиз, деди-ю тобутнинг устига ётиб олди.
- Икки киши келиб Бўтабойни тобутдан ажратиб олди. Раис тобутни очди-ю, ҳушини йўқотаёзди. Атрофдагилар ҳам тик турган жойда хайкалдек қотиб қолишди. Тобутда Аҳмаджоннинг жасади йўқ эди. Тобутда марҳумнинг куйиб кетган боши ва бир уйум корайиб кетган сұяклар қора кўрна орасидаги оқ матога ўралганди. Буни кўрган она шўрлик яна ҳушидан кетди. У ўзига келгач, хохолаб кула бошлади. «Менинг ўғлим, Аҳмаджон Россияда уни уйлантирамиз. Уйимга келин келади. Нари туринглар келинимни бағримга босай. Келин келди ёр-ёр келин келди...» Она шўрлик ақлдан озганди.
- Бўтабой раиснинг ёнига келди. – Раис бобо, Аҳмаджон икки нафар йигит билан бир рус кампирининг уйида ижа-

рада туришарди. Маош олган куни йигитлар роса ичиб, сигарет чекиб ухлаб қолибди. Уй ёниб кетган. Ҳеч ким тирик қолмаган. Ўзингиз биласиз Россиядаги уйлар ёғочдан курилади. Эски ёғоч уйлар қоғоздек нарса бирнасда ёниб кулга айланади. Кул титиб суюкларни йиғиб олдик.

— Нега тобутни очмасдан олдин менга бу гапларни айтмадинг?

— Қайси тилим билан айтаман. Поччамга бўлган воқеани айтгандим. У қулоқ солмади. Мен нима қилай. Поччам ўғлининг ўлимини мендан кўришшайти. Менинг айбим нима, — деди йиги аралаш.

Кўп ўтмай қишлоқ аҳли жасади йўқ тобутни слкаларига қўтариб қабристон томон кетишиди.

* * *

«Тошкент – Новосибирск» поезди 4 кун йўл босиб, шаҳарга кириб келганда, соат кундузги 3.00 эди. Вокзал одам билан лиқ тўла. Ҳамма ҳар томонга шошади. Раис уларни бироз кузатган бўлди. Бирор билан бировнинг иши йўқ. Чўнтаgidаги паспортни олиб, унинг ичидаги қоғоздан ёзувни ўқиди. «Новосибирск шаҳридан Партизанский туманига 100 километр. Автобусда борса бўлади».

— Ассалому алайкум ота. Яхшимисиз? Бобо ҳозир Тошкентдан келдингизми? – деб бир йигит раиснинг кўлидан ушлади. Раис олдинига ҳайрон қолди. Сўнг уни бағрига босди.

– Совуқ, кун чиқмас юртларда нималар қилиб юрибсан? Ё биронта малла сочга уйланиб, бу жойларда санғиб юрибсанми?

– Бобо, шифокорликка ўқийман. Бу йил ёзда қишлоққа қайтаман. Отам келган эди. Поездга кузатиб күйдим.

– Илм излаб келган бўлсанг, яхни йигит экансан. Пул деб, бир малла сочнинг орқасидан келган бўлсанг, қинлогингга кетганинг маъкул. Пулни ўзимизнинг юртда ҳам тоисанг бўлади. Уйланишга келсак, ўзимизнинг жайдари кизларга стадигани йўқ. Инсофли, диёнатли. Борингга ҳам, йўғингга ҳам чидайди. Шукр қиласди.

Йигитга раиснинг чапани, дангал гаплари ёкиб қолди.

– Бобо, сизни ётоқхонамга олиб кетай. Аччик кўк чой дамлаб бераман. Ош ҳам қиласмиз. Эрталаб сизни ўзим кузатиб қўяман.

– Йўқ. Ўғлим мана бу жойга боришим керак, дея қофоздаги манзилни кўрсатди.

– Ҳа. Партизан туманингами? Унда автостанцияга боришингиз керак, – деди йигит.

Улар вокзалнинг шахар бўйлаб қатнайдиган автобуслар бесати томон юрди. Сўнг автобусларнинг бирига ўтириб, чамаси ярим соатлар юргач, йигит: – Бобо, энди тушамиз, – деди. Сўнг яна раисга юzlаниб. – Бобо бугун бизникида меҳмон бўлганингизда яхши бўларди-да.

Раиснинг нияти тезроқ ўғлини тоини эди.

– Сенга раҳмат, ўғлим. Сен бўлмаганингда, бу жойларни қачон топиб келардим.

Күп ўтмай бекатга олди ойнасига «Новосибирск – Партизан», деб ёзилган катта автобус келиб тұхтади. Ҳалиги йигит раис билан эски қадрдонлардек қучоқлашиб хайрлашиди.

Бироздан сүнг автобус жойидан қўзғалди. Автобус чамаси ярим соатлар юргач, икки томони ўрмон билан қопланган катта йўлга чиқиб олди. Бир зумда автобуснинг ойналари музлади. Таишқари совуқ эди. Ичкари эса иссиқ. Кўп ўтмай раиснинг кўзи илинди.

Раис автобусдан тушганида, атроф зимистон эди. Ҳамма томон оппоқ қор билан қопланган бекатда ҳеч ким йўқ. Раис қаерга боришини билмай, бекатда анча вақт туриб қолди. Сибирнинг кечки совуғи тобора авжига чиқарди. Автобекат ҳам туманнинг четида жойлашган. Катта йўлнинг ўнг томони ҳам, чап томони ҳам ўрмон. Тўғрида ёғочдан қурилган уйлар. Уларда эса аллақачон чироқлар ёнган. Кутимаганда шамол туриб, бўрон бошлианди. Ҳақиқий Сибирь бўрони. Совуқ шамол раиснинг юз-кўзига игна санчгандек уриларди. Унинг боши қотди. Қаерга бориш керак. Қандай жон сақлаш мумкин. Раис тинимсиз юра бошлади. Тўхтаб қолсан, совуқдан ўламан, дея хаёлидан ўтказди. Юра-юра чарчади. Шу пайт кутимаганда, катта йўлдан бекатга «КамАЗ» машинаси келиб тұхтади. Эллик, эллик беш ёшлардаги ҳайдовчи машинадан тушиб, раиснинг ёнига келди.

– Оқсоқол, шу бекатда мени «Нива» автомашинасида икки киши кутиши керак эди. Улар мени кута-кута кетиб қолишмадимикан? Сиз уларни күрмадингизми?

– Йўқ.

– Кеч бўлганда совуқда кимни кутаяпсиз. Ақлли одамлар уйда кампирининг ёнида, иссиқ нечкасига ўтин қалаб, оёғини чўзиб ётибди. Телевизор кўриб.

– Раис қўлидаги қофозни кўрсатиб, «Михайловка»га бормоқчи эдим, – деди.

– Тинчликми?

– Ўғелимнинг ёнига.

Шу пайт ҳайдовчи кутган автомашина пайдо бўлди. Машинанинг устида цеплофанга ўралган иккита бўш тобут бор эди. Уни «КамАЗ»га ортишди.

Раис ҳайрон бўлди. «КамАЗ»чига «Нива»дагилар бир пачка пул бериб, ҳайрлашди.

– Энди «Михайловка»га борамиз. Чиқинг, ҳамشاҳар. «Михайловка» 50–60 чақирим нарида, ҳарбийлар қишики ўқув-машғулотига кетаяпти. Танклар орқасидан юрамиз. Акс холда қалин қорда бир қадам ҳам юриб бўлмайди, – деди ҳайдовчи.

Машинанинг кабинаси иссиқ эди. Раис ҳузур қилди. Улар катта йўлдан ўрмон томонга бурилганда, танклар ва машиналар турнақатор бўлиб кетишаётганди.

Ўрмон ичкарисидаги йўлда корнинг қалинлиги бир метрдан кўн. Изма-из юрмасак, тунги бўрон йўлга корни ўйниб ташлайди, – деди ҳайдовчи.

Раис индамади.

– Бундай куннинг совуғида «Михайловка»да нима бор?

– Ўғлим ўша ерда ишлайди.

– Оиласи борми? Нима иш қилади?

– Ҳа. Оиласи қишлоқда! Ўзбекистонда.

– Ўзбекистонда ўғлингга иш қуриб кетганми? Бу ерларда тўққиз ой қинш бўлади. Бу ер Тошкент эмас. Бизлар ўрганиб кетамиз. Синглим Фарғона деган шаҳарда туради. Гўзал жойлар экан. Ўп йиллар бурун ёзда борганиман. Бир мева-чевага тўйғаниман-да. Ҳақиқий жанинат жойлар экан. Икки-уч йил бурун синглим бизниги мөхмонга келганди. «Шаҳарларинг совуқ экан» деб 3–4 кунда юртига қайтиб кетган.

– Ким билан яшайсиз? – сўради раис.

– Кампирим билан. Ўғлим тўрт йил бўлди Канадага кўчиб кетган. У ҳам ҳайдовчи. Мен унга қўнғироқ қилмасам, бизлар унинг ёдига ҳам тушмаймиз. Невараларимни кампирим билан катта қилганимиз. Кампирим невараларини соғинса йиғлагани йиғлаган. Фарзандлар ҳеч қачон ота-онасини ўйламас экан. Ўғлимга «пулинг бўлмаса самолётнинг билети учун нул юборайлик десак» минг бир баҳонани ўйлаб тонади. Кампирим пенсиясини, мен маошимни тўплаб билетга нул йиғаямиз. Нимасини айтасан.

Ҳамма жойда бедана бир хил сайрайди, дегани шу бўлса керакда. Бу ҳам бир ўғидан куйган экан-да менга ўҳишаб ўйлади раис.

Улар икки-уч соат йўл юришди. Ташқари жуда совуқ эди. Аҳён-аҳёнда Сибирь бўрилари машина чироқларини менсимай катта йўлни кесиб ўтарди. Кўп ўтмай йўлда «Михайловка – 5 км», деган ёзув пайдо бўлди. Танклар колоннаси тўғрига кетишиди. «КамАЗ» эса катта темир йўлни кесиб ўтиб, чаңга қайрилди.

– Оқсоқол, мана «Михайловка»га ҳам етиб келдик. Сал ичкарига юрамиз. Сўнг сиз тушиб қолсангиз бўлади, – деди.

Шу пайт унинг кўл телефони аллақандай мусиқани чалиб юборди. У ким биландир гаплашиб, «Михайловка»га етиб келганини айтди. Раис кўча бошидаги бекатга тушиб қолди. Бўрон тинган бўлса-да, Сибирнинг тунги совуғи тирик жон борки, барчасини илондек чақаман, дейди. Раис қаерга боришни билмасди. У билардики, Қодир айтган «Михайловка» қишлоғига етиб келди. Соатига қаради. Сибирда тонг отишига анча бор. Бу совуқда ўлиб қолмасам бўлгани хаёлидан ўтказди. Сўнг кўча бўйлаб юрди. Унинг орқасидан бир дайди ит ҳам эргашди. Чироғи ёниқ кичкина ёғочдан курилган уйнинг эшигини қоқди. Бир аёл деразанинг эшигини очиб, сўради.

- Ким керак, сизга?
- Бир кечага жой беринг. Мехмонман. Тошкентдан келдим. Борадиган жойим йўқ.
- Эрим уйда. Маст. Сени уйга киритсам сени ҳам, мени ҳам ўлдиради. Рашки ёмон. Мана бу нонни ол. Ўзингга ва итингга.

Сўнг аёл деразасини ёпиб, уйидаги чироқларни ўчириб қўйди.


* * *

...Кимдир эшикни урди. Тўхтамиш уйғониб кетди. Қараса печканинг олови ўчиб қолибди. Печкага ўтин қалади. Кўп ўтмай уй исий бошлади. Тўхтамиш деразага қаради. Гўё ой деразанинг тепасида котиб қолгандек. Ташибарида Сибирь шамоли қорни тўзғитарди. У яна ётогига кирди. Олянинг соchlари ёилиб, ширин уйқуда ётарди. Тўхтамиш унинг соchlарини силади. Шу пайт кетма-кет ташқаридаги эшик яна тақиллагандек бўлди. Кўп ўтмай овоз тинди. Тўхтамиш иссик ўрнидан қўзғалишга эринди. Баъзан «Михайловка» яқинидаги ҳарбий қисмлардаги аскарлар гўшт ва бошқа озиқ-овқат махсулотларини, спиртли ичимликларга алмаштириш учун одамлар яшайдиган уйларга тунда келишарди. Шулардан бўлса керак, деб ўлади. У отасининг минглаб километрдан қишлоқдан уни қидириб келишини хаёлига келтирмасди. Уйнинг тўрида эса Абдусаша пишиллаб ухлаб ётарди.

Раис кампир берган ноннинг ярмини итга берди. Ярмини қўйнига солиб, бир тишлам еди. Гўё ичига иссиқлик киргандай бўлди. Бироқ тунги совук тобора авжига чиқа бошлади. У қўчадаги бир қанча уйнинг эшигини қоқди. Ҳатто ўғлининг ҳам. Буни ҳатто нобакор ўғли ҳам, меҳрибон ота ҳам билмасди. Ўша тун раисга ҳеч ким эши-

гини очмади. Раис умидсиз бир ҳолда күча бошидаги бекат томон кетди. Бекатдаги ўриндиққа келиб ўтирди. Соатига қаради тонг отишига яна икки соат бор. Тонг отса ўғлимни топаман. Унинг иссиқ бағрига ўзимни босаман, деб ўйлади раис, совқатганидан күп ўтмай раис қўзи уйқуга кетди. Тушига камнири кирди. «Отаси бу совуқ юртларда нима қилиб юрибсиз? Уйга қайтинг. Туринг», дермиш.

Раис қайтиб уйғонмади. Яна тунги бўрои бошланди. Совуқ тобора авжига чиқарди. Ўрмонда совуққа чидай олмай «Михайлова»га емак қидириб келаётган бўрилар уввалилари тобора яқинлапча бошлиди. Осмон эса ойсиз эди.



МУНДАРИЖА

Огоҳлик қўнғироғи. Миродил Баратов.....	3
Баҳор қор қўйнида ухламайди	5
Ойсиз осмон	52

Адабий-бадний нашр ЗАЙНИДДИН МАМАДАЛИЕВ ОЙСИЗ ОСМОН

Қиссалар

Муҳаррир И. Аҳмедов
Бадийи муҳаррир Д. Мулла-Охунов
Техник муҳаррир Б. Каримов
Кичик муҳаррирлар: Д. Холматова, Г. Ералиева
Мусаҳҳих Г. Арипова
Компьютерда саҳифаловчи С. Азизтоева

Нашриёт лицензияси АІ 158. 14.08.09.
Босишига 2016 йил 5 сентябрда руҳсат этилди Бичими $70 \times 108^1 / 32$.
Офсет қоғози. «Virtec Puturburg» гарнитурасида оффсет усулида
босилди. Шартли босма табоби 3,85. Нашр табоби 3,69.
Адади 3000 нусха. Буюртма №16-538.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz